

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

Гидромелиорация факультети

**“Ер тузиш ва ер кадастри”
кафедраси**

Ҳимояга қўйилсин:

кафедраси мудири .в.б.

_____ С.Р.Асатов

“ _____ ” _____ 2012 йил

БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

**Мавзу: “Қоравулбозор тумани Жарқоқ массивида фермер
хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш лойиҳаси ”
мавзусида**

БМИни бажарувчи:

Эргашов Д.

БМИ раҳбари

катта ўқитувчи Асатов С.Р

МУНДАРИЖА

Т/р	Битирув малакавий иши бўлимлари номи	варақлар
1	Битирув малакавий ишини бажариш учун топшириқ	2
2	Битирув малакавий иши дастури	4
3	Кириш	6
4	1-БОБ. Массив ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароити	11
5	2-БОБ. Фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўлчамини мақбуллаштириш лойиҳаси	
6	3-БОБ Фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўлчамини мақбуллаштириш лойиҳасини иқтисодий асослаш	
7	Хулоса	
8	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
9	Иловалар	

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо. Сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1	2	3	4	5
1	Меҳнатни муҳофаза	Жўраева С		

	қилиш масалалари			
--	------------------	--	--	--

7. БИТИРУВ ИШИНИ БАЖАРИШ РЕЖАСИ.

№	Битирув ишининг босқичларининг номи	Бажариш муддати		Текширувдан ўтганлик муддати
		сана	%	
1	Топшириқ олиш ва БМИ дастурини тузиш			
2	I боб. Массив ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароити			
3	Массивнинг ер ва экин турлари жойлашиш тарҳини чизиш			
4	II боб. Фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўлчамини мақбуллаштириш лойиҳаси			
5	Лойиҳавий чизмани чизиш.			
6	III боб. Фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўлчамини мақбуллаштириш лойиҳасини иқтисодий асослаш			
7	Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тузиш.			
8	Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш.			
9	БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.			

Битирув иши раҳбари:

Асатов С.Р.

Топшириқни бажаришга олдим:

Эргашов Д.

Топшириқ берилган вақти “___” _____ 20__ йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси

"Тасдиқлайман"
_____кафедра мудир
"___" _____2011 йил

**“Қоравулбозор тумани Жарқоқ массивида фермер
хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш лойиҳаси”**
мавзусида бажариладиган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ
ДАСТУРИ**

БМИни бажарувчи:

Д.Эргашов

Рахбар:

катта ўқитувчи С.Р.Асатов

Бухоро – 2011

Кириш

1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида республикамызда кишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Суғориладиган ерларда ер тузиш ва фермер хўжаликларини ташкил этишдаги хусусиятлар.

3. Битирув малакавий ишининг мақсади, унда қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар.

I боб. Қоравулбозор тумани Жарқоқ массиви ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароити

I.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар.

I.2. Табиий шароити (иқлими, рельефи, тупроқлари).

I.3. Массив ҳудуди бўйича ердан фойдаланишнинг ҳолати (ер экспликацияси)

I.4. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

I.5. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.

I.6. Дехқончилик тавсифи.

I.7. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.

II боб. Қоравулбозор тумани Жарқоқ массивида фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўлчамини мақбуллаштириш лойиҳаси

II.1. Фермер хўжаликларида ички ер тузишнинг хусусиятлари

II.2. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича сони ва ер майдони ўлчамини аниқлаш.

II.3. Фермер хўжаликларини ҳудудда жойлаштириш лойиҳасини ишлаш.

II.4. Фермер хўжаликлари ер участкаларини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш (битта фермер хўжалиги мисолида).

II.5. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари.

III боб. Қоравулбозор тумани Жарқоқ массивида фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўлчамини мақбуллаштириш лойиҳасини иқтисодий асослаш

III.1. Фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми ва қийматини ҳамда улар учун қилинадиган йиллик ҳаражатлар миқдори ва соф даромадни аниқлаш.

III.2. Фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш билан боғлиқ капитал ва келтирилган ҳаражатлар миқдорини аниқлаш.

III.3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш

III.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

Иловалар.

Кириш

Республикамизда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларинини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури 2012-йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган бешта тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан йилга ўзини оқлаб, тўғри ва аниқ эканлиги исботланмоқда.

Иқтисодиётнинг мафкурадан ҳоли бўлиши, иқтисодиётни сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устиворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойиллари дунёда авж олиб бораётган иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблигини кўрсатди.

Энг муҳим устивор вазифа қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун моҳиятини ўзгартиришга, агросаноат мажмуасида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга, охир оқибатда қишлоқ аҳолисининг, ижтимоий сиёсий ва маданий савиясини, онгли ва фуқоролик маъсулиятини оширишга қаратилган давлат дастурини 2012 йилда амалга ошириш муҳим вазифадир.

2012 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга. Фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди. Фермер хўжаликлари бугунги кунда қишлоқда етакчи бўғинга - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди. Ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ер тузиш давлатимизнинг ер тўғрисидаги қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, у ер ва ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат ресурсларидан тўла, оқилона ва самарали фойдаланишга, ерни ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврда ер тузиш ишлари қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- топография, геодезия, хариташунослик, геоботаника, тупроқ ва бошқа ер тузиш учун зарур изланишларни ўтказиш;

- республикамизда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш Бош чизмасини, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва туманлар ер тузиш чизмаларини ишлаш;

- ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ лойиҳаларини тузиш;

- янги хўжаликларни ташкил қилиш ва мавжуд хўжаликларнинг ер майдонлари жойлашувидаги камчиликларни тугатиш, хўжаликларга ер майдонларини ажратиш лойиҳаларини тузиш;

- хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини ишлаш;

- табиатни муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга бўлган ер майдонларини аниқлаш ва у ерларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ишларни ташкил қилиш, шунингдек табиатнинг хушманзара жойларида дам олиш масканлари ва кўриқхоналар ташкил қилиш ва бошқ.

Ер тузиш ишлари халқ хўжалигининг барча тармоқларида ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтказилиб, янги ерларни ўзлаштириш ва уларни қишлоқ хўжалиги ерларига қўшиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилган тадбирлар тизимидир.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс

ҳисобланади. Республикамиз ерларининг 48,31% қишлоқ хўжалик ерлари ташкил қилганлиги сабабли, бошқа тармоқ корхоналари, давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун ерлар кўп вазиятларда қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобидан ажратилади. Бу ишлар Ўзбекистон республикасининг ер тўғрисидаги қонунларига, ваколатли давлат ҳокимият органларининг махсус қарор ва фармойишларига асосан олиб борилади. Ерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий субъект ҳисобланган фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага фойдаланиш ҳуқуқи билан берилса, қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналарига фақат фойдаланиш учун берилади.

Битирув малакавий ишининг мақсади Қоракўл туманидаги Зиёрат массивида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштиришдан иборатдир. Ишда қўйилган мақсадга эришиш учун мавжуд фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти, бириктириб берилган ердан фойдаланиш аҳволи, уларда ишлов бериш учун мавжуд техникалар миқдори ва таъминоти, туман ҳокимияти билан тузилган шартнома шартларининг бажарилиши (йиллар бўйича) ҳамда фермер хўжалигининг молиявий имкониятлари ўрганиб чиқилади. Бунда қуйидаги вазифалар қўйилади:

- фермер хўжаликларига бириктирилаётган ер майдонини қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга зарур ҳамма шарт-шароитларни яратиш имкониятини берсин;
- ернинг майдон ўлчами, шакли ва табиий шароити қўйилган мақсадларга мос тушсин;
- ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга шароит яратилсин;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қилинган харажатлардан оқилона фойдаланиш, қимматбаҳо ер турларини максимал сақлаш, ҳудудларнинг ташкил қилинишини бузмаслик таъминлансин.

Битирув малакавий ишига қўйилган вазифаларни бажариш учун массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари тўғрисида қуйидаги материаллар асос бўлиб хизмат қилади:

1. Массив ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароитларини тавсифловчи умумий маълумотлар;
2. Массив ҳудудида ер турлари ва қишлоқ хўжалик экинларининг амалда жойлашуви тархи;
3. Контурлар бўйича майдон ҳисоблаш қайдномаси;
4. Ер ажратиш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар.

I БОБ. Қоравулбозор тумани Жарқоқ массиви ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароити

I.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

Бухоро вилояти Қоравулбозор тумани Жарқоқ массиви 1980 йилда ташкил топган.. Массив пахтачиликка ихтисослашган бўлиб, бундан ташқари чорвачилик, боғдорчилик, паррандачилик ва ипакчилик ҳам ривожланган. Массив ҳудуди шимолий-шарқ томондан Дўстлик массиви ерлари билан, жанубдан ва жанубий ғарб томондан Қашқадарё вилояти ерлари билан чегарадош.

Массивнинг марказий қишлоғи Жарқоқ қишлоқғи бўлиб, у туман марказидан 20 км, вилоят марказидан 80 км узоқликда жойлашган. Массив чегарасидаги умумий ер майдони 2855 гектарни ташкил қилади, шундан 1986 гектари суғориладиган ерлар ҳисобланади. Худуд ягона ер участкасидан иборат, суғориладиган ерлардаги тупроқларнинг ўртача балли 42 бални ташкил қилади.

I.2. Табиий шароити (иқлими, рельефи, тупроқлари)

Иқлими. Массив ярим чўл минтақасида жойлашган бўлиб, табиий шароитига кўра континентал иқлим зонасига киради. Яъни ёзи иссиқ ва куруқ, қишда совуқ. Энг совуқ ойлари январ ҳисобланади. Худуднинг умумий иқлим шароити бир омил: чўл иқлими ва чала чўллар иқлими таъсирида шаклланади. Иқлимнинг умумий хусусиятлари текислик ва чўл олди ҳудудларида унинг кескин куруқлиги, жанубий ғарбда чўл ва чала чўл ерларида ҳаво ҳароратининг кўтариши ёғинлар микдорининг камайиб бориши қуёш радиацияси, кунлик, ойлик, йиллик ва фаслларда ҳароратнинг катта ораликда тебраниб туриши ва атмосфера ёғинларининг йил давомида нотекс тақсимланишида ўз аксини топади. Массивда совуқсиз даврнинг давомийлиги 208 кунни ташкил қилади. Эффе́ктив фаол температура йиғиндиси $4000 - 4400^0$, эффе́ктив фойдали температура йиғиндиси эса $2100-2300^0$ С. Кўп йиллик ўртача температура $+16^0$ С.

Илк совуқ уриш даври октябрнинг охирги 10 кунлигига тўғри келади. Кўп йиллик маълумотларга қараганда охирги совуқ уриш даври март ойи охирига, ҳатто апрел ойи ўрталарига ҳам тўғри келади.

Июлдаги ўртача температура $+28,8^{\circ}\text{C}.$ $+10^{\circ}\text{C}$ ҳароратдан юқори давр 28 мартдан 28- октябригача 210 кунни ташкил қилади.Энг совуқ ой январда $-7,0^{\circ}\text{C}$ ташкил этади абсолют минимум ҳарорат 27-29 гача пасаяди.

Баҳорги кучли ёмғирлар ҳаво ҳароратини пасайтириб тупроқ катқалоғини содир этади, айрим йилларда экин майдонларини бузиб қайта экишга тўғри келади.

Йиллик ёғинларнинг ўртача миқдори катта ораликда тебраниб 140 мм ни ташкил этади, унинг максимал миқдори қиш баҳор ойларида тўғри келади, ёз ойларида ёғинлар деярли бўлмайти. Ёғинлар миқдорининг кам бўлиши ва ёз ойларидаги юқори ҳарорат тупроқдан юқори буғланишни содир этади.Буғланиш 1280 -1470 мм.ни, атмосфера ёғинлари 320-363 мм.ни ташкил этгани ҳолда, намлик танқислиги (буғланиш минус ёғинлар) 960-1107 мм га тенг кўрсаткичларда кузатилади. Шамолнинг ўртача тезлиги 1,5-3,4 м/сек га тенг бўлиб, унинг максимал тезлиги 22-28 м/сек.ни ташкил этади.

Рельефи. Массивнинг рельефи асосан текисликлардан иборат бўлиб, жануб ва ғарб томондан кучсиз қияликлар мавжуд. Хўжаликда тақир ўтлоқи, ўтлоқи ва ўтлоқи –ботқоқ суғорма деҳқончилик тупроқлари тарқалган ҳудудлар ривожланган.Ҳудудда асосан ўтлоқи тупроқлар кўпроқ тарқалган.Ерларнинг асосий қисми пахта ва ғалла майдонлари ташкил қилади.Хўжалик ҳудудида мураккаб геологик, геоморфологик-литологик, тупроқ-иклим шароитлари регионда ўта мураккаб гидрогеологик ҳолатни келтириб чиқарган, бу ҳолат ер усти ва ер ости сувлари режими ва баланси кўрсаткичларида ўз аксини топган.

Хўжалик табиий ва сунъий кам зовурлашган текислик қисми асосий майдонларида ерларни юқори меъёрларда суғориш ва бошқа бир қатор

омиллар грунт сувларининг ер юзасига кўтарилишига имкон яратмоқда, бу ҳолат ўз навбатида тупроқда туз тупланиш ва қайта шўрланиш жараёнлари келиб чиқмоқда. Ер ости сувлари сатхининг даврий равишда тебраниб туриши йил фасллари бўйича ўзгариб, ҳудудларда мураккаб гидрогеологик жараённи келтириб чиқарган. Грунт сувларининг минерализация даражаси хўжаликнинг турли қисмларида турлича кўрсаткичларда ҳудуднинг ўрта қисмларида 2-3 г/л, қуйи пасткам ерларда 3-5 г/л ва ундан ортиқ микдорни ташкил этади. Жумладан, туман ерларида грунт сувлари ўртача минераллашганлик даражаси 1.5-2 г/л кўрсаткичларида қайд этилади.

Хулоса қилиб айтганда, суғориладиган ерларида салбий мелиоратив жараёнлар кузатилиб, гидроморф (ўтлоқ) тупроқлар майдони кенгаймоқда, грунт сувлари ер юзасига яқинлашиб, шўрланиш жараёнлари кучайиб бормоқда, уларни олдини олиш ва салбий жараёнларни тўхтатиш муаммоси асосий долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Тупроқлари

Хўжалик суғориладиган ер майдонларининг тупроқлари: субтропик чўл зонаси, проллювиал-делювиал ётқизиклардан ташкил топган. Зарафшон тупроқ иқлим округи, Бухоро-Қорақўл тупроқ иқлим туманида тарқалиб турли литологик, гидрогеологик ва тупроқ- иқлим шароитларида ривожланган.

Хўжалик тупроқлари чўл тупроқлар зонасида тарқалганлиги боис, асосан автоморф, ярим гидроморф тупроқлар кенг тарқалган. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар, тақирсимон ва чўлли тупроқлардан иборат бўлиб, бу тупроқлар тарқалган ҳудудлар учун ўзига хос хусусиятлар - шамол эрозияси ҳамда шўрланиш жараёнларига мойиллиги, чиринди (гумус) ва бошқа озуқа моддаларининг камлиги, уларнинг ҳаракатчан шакллари билан кам таъминланганлиги, грунт сувларининг сатҳи нисбатан яқинроқ, кучли минераллашган, тупроқлари асосан ўртача ва енгил қумоқли механик таркибдан иборат.

Хўжалик суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлари оғир қумоқ ва қулоқ механик таркибдан иборат, физик лой фракциялари ($<0,01$ мм)

миқдори кенг оралиқда - 22,1-25,4% кўрсаткичларда кузатилади. Айрим ҳолларда ўртача ва оғир механик таркиблар ҳам учрайди. Тупроқларнинг мелиоратив ҳолати уларнинг ер ости сувлари ва минераллашганлик даражаси билан алоқадордир.

Тупроқнинг устки ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори ўртача 0,82-1,00% ни, ҳаракатчаи фосфор ўртача 7.8- 12,5 ва алмашинувчи калий - 118-219 мг/кг ни ташкил этади. Мазкур тупроқлари гумус билан кам, ҳаракатчаи фосфор миқдорига кўра кам ва ўрта, алмашинувчи калий кўрсаткичларига кўра эса кам, баъзан ўртача таъминланган тупроқлар гуруҳини ташкил этади.

Сувли сўрим натижаларига кўра сур тусли қўнғир тупроқлари кам шўрланган, ўрта шўрланган ва кучли шўрланган айирмалардан иборат. Кам шўрланган ўрта шўрланган суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда сувда осон эрувчи тузларнинг умумий миқдори кам шўрланган 0,256-0,264%, ўртача 0,576-0,766%; кучли шўрланган тупроқларда - 1,560-1,630% ни ташкил этади. Шўрланиш химизмига кўра хлорид-сулфатли шўрланиш типларидаи иборат

Тупроқ тадқиқот маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, хўжалик ҳудудидаги суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлари ўзларининг рельефи ва геоморфологик-литологик тузилишига кўра, нисбатан мураккаб ҳудуд ҳисобланиб, бу тупроқларнинг ўзига хос хусусиятлари - гумус қатламининг камлиги. Айрим тупроқ айирмаларини ҳисобга олмаганда ҳаракатчаи фосфор ва калий миқдорига кўра ўрта таъминланган. Қуйидаги 1-жадвалда массивнинг тупроқ экспликацияси келтирилган.

Қоравулбозор тумани “Жарқоқ” массиви тупроқ экспликацияси

Тупроқ айирмаларининг т.р	Ўзлаштириш даври ва маданийлаштириш даври	Механик таркиби		Чиринди қатлам қалинлиги, см	Шўрланиш даражаси	Рельефи	Бонитет балли
		0-30 см	30-100 см				
1	2	3	4	5	6	7	8
проллювиал-делювиал ётқизиклардан ташкил топган.Зарафшон тупрқ иқлим округи, Бухоро-Қорақўл тупроқ иқлим туманида. Тоғ этаги текислиги.							
Қадимги аллювиал ётқизиклар. Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар							
1	Суғориладиган тупроқлар	Оғир қумоқли	Оғир қумоқли ва кумлар	40	Ўрта шўрланган	Текислик	43
2	Суғориладиган тупроқлар	қумлоқ	Ўрта ва енгил қумоқ	38	Кучли шўрланган	Текислик	36
3	Суғориладиган тупроқлар	Ўрта қумоқли	Оғир ва ўрта қумоқ	35	Ўрта шўрланган	Текислик	30
4	Суғориладиган тупроқлар	Ўрта қумоқли, кам тошли	ўрта қумоқ оғир қумоқ	35	Ўртача шўрланган	Текислик	53
5	Суғориладиган тупроқлар	Ўрта қумоқли	ўрта қумоқлар	30-40	Ўртача шўрланган	Текислик	47
6	Суғориладиган тупроқлар	Ўрта қумоқли	ўрта қумоқлар	32	Кучли шўрланган	Текислик	41
7	Суғориладиган тупроқлар	Ўрта қумоқли	ўрта қумоқлар	38	Кучли шўрланган	Текислик	45
8	Суғориладиган тупроқлар	Ўрта қумоқли	енгил қумоқлар	37	Кучли шўрланган	Текислик	34
9	Суғориладиган тупроқлар	Енгил қумоқлар	Енгил қумоқлар	30	Ўртача шўрланган	Текислик	48
10	Суғориладиган тупроқлар	Енгил қумоқлар	Енгил қумоқлар	30	Кучли шўрланган	Текислик	34
6	Нокулай ерлар	Қабристон, тепаликлар, жарликлар					

1.3. Массив ҳудуди бўйича ердан фойдаланишнинг ҳолати (ер экспликацияси)

2012 йил 1 январь ҳолатига нисбатан “Жарқоқ” массивига 2855 га ер майдони фойдаланиш учун бириктирилган. Массив ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 2- жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Массивнинг ер фонди

№	Ер турлари	Умумий майдони га	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, %
1	Ҳайдалма ерлар: Шу жумладан: суғориладиган	1785	42.8	61.09
2	Кўп йиллик дарахтзорлар, жами: Шу жумладан, боғлар узумзор тутзорлар	25,0 10 4 11	3,4	4.8 0.6 0.2 4
3	Ўтлоқ ва яйловлар	652	23.8	34.02
	Жами қишлоқ хўжалик ер турлари	1986	70	100
4	Томорқа ерлари	33	6	
5	Теракзор	6.6	0,3	
6	Ихота дарахтлари ва теракзор	10	0,04	
7	Қурилишлар, кўчалар, майдонлар	26	1.4	
8	Ариқ, каналлар ва зовурлар	103	4.8	
8	Йўллар	42	1,9	
10	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	648.4	15.7	
	Хўжаликка бириктирилган ерлар, жами	2855	100	

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, массив умумий майдонининг 61.09 % ини, яъни 1785 га майдонни ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 25 га, бу эса умумий майдоннинг 4.8 % ини ташкил этади. Бунда боғзорлар майдони 10 га, узумзорлар майдони 4 га, тутзорлар майдони 11 га ни ташкил этади. Жами қишлоқ хўжалик ерлари 1986 гектар бўлиб, умумий ер майдонининг 70 % ини ташкил қилади. Томорқа ерлари майдони 33 га бўлиб, бу умумий ер майдонининг 6 % ини ташкил этади.

Массив ҳудудида фермер хўжаликлари ташкил этилиши натижасида майдонлар фермер хўжаликларига тақсимлаб берилди. Фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари ва ер турлари ҳақидаги 2011 йил 1 январ ҳолатига бўлган маълумот қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинларининг жойлашуви

№	Фермер хўжалиги номи	Жами ер майдони	Шу жумладан		Пахта (га)	Ғалла майдони (га)	Сабзавот (га)	Картошка (га)	Полиз (га)	Озуқа экинлари (га)	мева	узум	тутзор
			экин ери (га)	буз ер (га)									
	ЖАРКОК КФИ					75,2							
1	Алишер Ситора	106,8	57,2	2	28,8	28,3	0,3		1,8				
2	Азимов Бозорхужа	81,4	69	2	12	58			1				
3	Анвар Мухсин	112,1	107,8		50	56,5			1,3		0,5		
4	Азиз	96,1	84,4		24,3	60,1							
5	Али Сино	110	102		45,3	54	1		1,7				
6	Амонжон Тухтаев	88	78,9		48,3	28,6	2						
7	Аслонбобо Азамат	194,9	180,1		70,2	50	3	1		55,9			
8	Алишод Киличев	78,7	65		37,5	23,4	1,5			2,6			
9	Баходир Бахор	105	33,9		10	20				3,9	0,5		
10	Байрамали Сафаров	173,8	124,1	4	64	41,9	3,1			21,1			
11	Бобоатодори	89,9	88,2		45,5	41,9	0,8						
12	Бсхзод	85,3	71,2		30	20,5	2,9			19,8			
13	Бекмуродобод	61	57,8		23	31,6	3,2			2			
14	ПИРИМКУЛ Кодир замини	90,2	70,2		60					10,2			
15	Боборажаб	141,5	102		37	55,1	3		3	3,9			
16	Баходир СаппН'х	95,3	83,6	2	62	20	3,6						
17	Бобир Собир	165,3	147,5	3	85,7	50,8		3		3			
18	Вали Фаррух	96,3	80,9	1	52,5	25,9				3,5			
19	Лиллора	81,7	70	1	46	25							
20	Иулдошев Уктамбобо замини	74,5	60,4	2	37,2	25,2						10,	
21	Зарафшон Пурафшон	132,6	112,4	4	49	65,9	1,5						
22	Замира Гуамира	145	92,5		50,1	40	2		0,4				
23	Кутбилдин еевара	70,3	67	2	29	40							
24	Кодирхужабобо	66,2	65		42,7		3		3	16,3			
25	Кобилбобо замини	133,4	85		12,8	40	3		3,7	25,5			
26	АШУРОВ Журабек	223,7	177			170				7	3	2	
27	Муборак Зарбулок	154,5	117,1	4	47,8	73,3							
28	Мохинур Бозорова	94,2	79,9	2	35	42,7	2		2,2				
29	Малика Махмуд	216,2	136,5	6	61	80			1,5				
30	МУСДИЛДИН	84,4	60		29	25	1,9		4,1				
31	Миржон Матлуба	112	57,3		25	15,3			7	10			
32	Каримов Рузибобо	78,8	78,6		53,6	25							
33	Окшом Чирог	57,3	56,8		24	30,9	1,9						

34	Ойдин Учкуп	47,7	46		22,8	17,7			5,5			
35	Рустам Холли	82,2	75,1	2	32	24,7			9,9	10,5		
36	Рамзиёдин Шаме	150	104,6	4	46,6	62						
37	Ражабов Умед	73,6	66,3		30				8,4	27,9	1	
38	Зокир Шокир замини	89	85,8	2	64	20		1		2,8		
39	Рамазонов Равшан	380,6	30,1		15	10			5,1			
40	Равпак Лиёр замини	60,1	41,7		18		3		8,1	12,6		
41	Сардор Облокулов	109,8	84,9	4	39,9	42,5	3		3,5			
42	Тўрсов Рамим	118,6	92,6	3	47,1	43,8			4,7			
43	Тожибобо	331,7	266,2	5	82	187			2,6			
44	Тилав Журабобо	103,5	91,4		28	60,5	1,7		1,2		0,5	
45	Умар Шариф	303,6	268,5	4	114	150	3		5		12	
46	Фирдавс Фаррух замини	61	51	2	22,1	30,9						
47	Фахриддин Абдулло замини	100	85,7		46,1	23,2			13,9			
48	Умед	55,5	52		26	25	1					
49	Шохрузбек замини	148,4	40,3		16,5		0,9		0,1	22,8		
50	Шахзод Рауф	160,1	147,8		52,5	95,3						
51	Шахоб Шох замини	75	54,5		14,5	35,3				4,7		
52	Шерхон замини	130,7	119		56,3	52,8				9,9		
53	Устам Бухорий	68	52,5		30,5	21,8				0,2		
54	Уктам Саъдулло замини	66	61,1	3	41,5	20,6				2		
55	Эрдон Жума	63,5	47,5	3	25,7	24,8					1	
56	Холмурод Шойим УГЛИ	168,9	164		26,3	20,8				116,		
57	Алишержон Назаров	946,8	15							15		
58	Сайфулло	72,4	58	1	29	25,4				4,6		

3-жадвал маълумотларидан кўринадик, фермер хўжаликлари асосан, пахта-ғаллачилик ва боғдорчилик ихтисослашган бўлиб, уларнинг умумий сони 58 тани, шу жумладан пахта-ғаллачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 50 тани, пахта- ғалла-боғ йўналишида 2 та, чорвачилик йўналишида 1 та ни ташкил этади. Жами фермер хўжаликларига бириктириб берилган ерлар майдони 2855 гектарни ташкил қилмоқда. Фермер хўжаликларига бириктириб берилган жами хайдалма ерлар майдони 1785 гектарни, жами қишлоқ хўжалик ер турлари эса, 1986 гектарни ташкил этади. Шу жумладан кўп йиллик дарахтзорларнинг умумий майдони 25 гектарни, бундан 10 гектарни боғзорлар, 4 гектарни узумзорлар, 11 гектарни эса, тутзорлар майдони ташкил этади.

I.4. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи

Суғориладиган минтақаларда ирригация ва мелиорация шаҳобчалари туғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Зарафшон массивнинг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган.

Асосий суғориш тармоғи Аму –Бухоро машини канали ҳисобланади. Суғориш тармоқлари ва зовурлар 103 га ни ташкил этади. Массивдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу ариқлар ҳудуд ташкил қилинганда нов каналлар қурилган бўлиб, ҳозирги кунда кўпчилик ҳисмлари ишга яроқсиз ҳолга келиб қолган ва капитал таъмирга муҳтож, инженерлик тармоқлари билан кам таъминланган.. Массив ҳудудида бетон ариқлар йиллар ўтиши билан таъмирланмаган шу сабабли суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,76 – 0,81 ни ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 15 – 20 % ер остига сингади. Хўжаликнинг баъзи участкаларида майда-майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далалар тузилишининг

нотўғрилиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Ер ости сувларини йиғич – мелиоратив тармоқлар, яъни зовурлардир. Уларнинг умумий узунлиги 44,79 км.ни ташкил этади.

I.5. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массив худудида жойлашган аҳоли пунктларида яшайдиган аҳолининг умумий сони 1411 одамни ташкил қилади. Аҳоли асосан Жарқоқ қишлоғида истиқомат қилади. Ўз навбатида мазкур массив учун марказий қишлоқ вазифасини ҳам бажаради. Бу қишлоқ бошқа массив қишлоқлари билан яхши йўл алоқасига эга. Шунингдек, мазкур қишлоқ туман маркази ёнида жойлашган бўлиб, аҳоли учун кўплаб қулайликларга эга. Қишлоқлардаги аҳоли сони ҳамда қишлоқларнинг ободонлаштирилганлик даражаси қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4- жадвал

Массивдаги аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Қиш- лоқ номи	Оила- лар сони	Аҳоли сони		Маданий маиший бино ва иншоотлар	Ободон- лашти- рилган- лиги	томор- қа ер май- дони, га	Бажаради -ган вазифаси
		ҳам- маси	меҳ-натга яроқли				
Зиёрат	285	1411	850	ҚФЙ, мактаб, боғча, мага-зин, ҚВП, АЁҚШ, қишлоқ гузари, сартарошхона	газлаштирилган, электрлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган	33	Марказий қишлоқ
Жами	285	1411	850				

I.6. Деҳқончилик тавсифи

Массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятининг 2011 йил маълумотлари бўйича тахлили шуни кўрсатадики, асосий деҳқончилик тармоғи пахтачилик ва ғаллачилик ҳисоблангани ҳолда, боғдорчилик, пиллачилик ва сутчилик ҳам мавжуд бўлиб бу тармоқлар ҳам ривожланмоқда. Фермер хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинлари таркиби тавсифи 5-жадвалда келтирилган.

5- жадвал

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари таркиби

т/р	Экинлар тури	Экин майдонлар и, га	Шу жумладан, % ҳисобида	Ҳосилдор лиги ц/га	Ялпи маҳсулот
1.	Пахта	515	33.60	29	149.35
2.	Бугдой Дон Сомон	314	20.4	36 30	1130.4 942
3.	Беда Биринчи йили Кейинги йиллар	45 22 23	3 1 1.6	40 100	
4	Арпа: Дони самони	15	0.9	30 25	45 37.5
5	Сабзавот	12	0.78	140	168
6	Полиз	11	0.71	210	231
7	Маккажўхори дони	24	1.5	50	120
8	Картошка	13	0,84	100	1300
9	Боғлар	10	0.6	40	40
10	Узумзорлар	4	0.2	45	18
11	Яйловлар	523	34.1	5	261.5
	Жами	1533.0	100.0		

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ҳайдалма ерларда пахта экини билан банд майдон 515 га бўлиб, умумий экин майдонларининг 33.6 %ини ташкил қилади. Дон майдонлари эса, умумий экин майдонларининг 314 гектарини ёки 20.4 % ини ташкил этади. Ем-хашак экинлари экилган майдон умумий экин майдонининг 3,86 % ини, яъни 76 гектарини ташкил этади.

Маълумки, мавжуд фермер хўжаликларининг 1 таси чорвачиликка ихтисослаштирилган бўлиб, массивда чорва моллари ҳам парвариш қилинади. Массив ҳудудидаги чорвачилик тавсифи қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Чорва моллари таркиби ва бош сони

Т.р	Чорва моллари турлари ва гуруҳлари	Бош сони	Умумий бош сонига нисбатан % ҳисобида
1	Қора моллари, шу жумладан: - сигирлар - буқалар	329 145 10	100 44 3

	- ғунажжинлар	70	21.2
	- бузоқлар	104	31.8

Умумий қора моллар сони 329 бошни ташкил этади.

Ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги 7-жадвалда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

7- жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т/р	Экинлар тури	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц	Ялпи маҳсулот ҳажми, т
1.	Пахта	515	22	14935
2.	Буғдой: дони сомони	314	36 30	11304 942
3	Сабзавот	12	140	1680
4	Картошка	13	100	1300
5	Ем-хашак экинлари: маккажўхори: дони пояси беда	24 13 45	50 200 76	1200 2600 3420
Жами		939		

Фермер хўжаликларида 2012 йил 1 январгача 850 та меҳнатга қобилиятли киши мавжуд бўлган. Шундан 800 киши тўғридан-тўғри фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида қатнашган. 50 киши эса бошқа ишлар билан банд бўлган. Массивда фермер хўжаликларига бириктирилган боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳам мавжуд бўлиб, боғдорчилик майдонлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган маҳсулотлар миқдори 8-жадвалда келтирилган.

8- жадвал

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

Т/р	Қишлоқ хўжалик ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, т
1.	боғ	10	40	400
2.	узумзор	4.0	45	180
3.	тутзор	61	50	30.5

I.7. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Массивнинг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим.

9-жадвал

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

т/р	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Микдори, тонна	Ўлчов бирлиги баҳоси, мингсўм	Умумий баҳоси, минг сўм	Сотиладиган маҳсулотлар қиймати, минг сўм
1	2	3	4	5	6
1	Пахта	1260	500	630000	630000
2	Бугдой: дони сомони	1160.4 895	170 28	197268 25060	197268 -
3	маккажўхори: дони пояси	120 406	200 75	24000 30450	24000 -
4	Беда	266	100	26600	-
5	Мева	68	200	136000	136000
6	Узум	45	200	900	900
7	Сабзавот	147	350	73500	73500
8	Картошка	94	900	84600	84600
9	Сут	174	1000	174000	174000
10	Гўшт	13.16	11000	144760	144760
11	Пилла	3.521	2700	9506.7	9506.7
12	Чорвачилик	0.77	3000	2310	2310
	Жами				1596874.7

10- жадвал

Массивнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Микдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати	Минг сўм	1656906.7
	Шу жумладан: Дехқончилик	Минг сўм	1596874.7
	Чорвачилик	Минг сўм	330576.0
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	1019373,7
	Соф даромад	Минг сўм	304488,3
	Рентабеллик	%	30.1

10-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, хўжаликда рентабеллик даражаси 30.1 % ташкил этади.

2011 йил якунлари бўйича фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотнинг умумий қиймати 1656906.7 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 1019373,7 минг сўмни, соф даромад 304488,3 минг сўмни ва самарадорлик кўрсаткичи 20,5 % ни ташкил этган.

II боб. Фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўлчамини мақбуллаштириш лойиҳаси

II.1. Фермер хўжаликларида ички ер тузишнинг хусусиятлари

Фермер хўжаликларида ички ер тузиш лойиҳаси қуйидаги таркибий қисмлар ва элементлардан иборат бўлади (11- жадвал).

11- жадвал

Фермер хўжалигида ички ер тузиш лойиҳасининг таркибий қисмлар ва элементлари.

Таркибий қисмлари	Элементлари
1	2
Хўжалик марказини ва ишлаб чиқариш ер участкасини жойлаштириш	Худудни функционал минтақалаш. Хўжалик марказларини жойлаштириш. Хўжалик марказининг яшаш ва ишлаб чиқариш қисмларини жойлаштириш.
Фермер (деҳқон) ҳовлисини қуриш-нинг бош лойиҳасини ишлаш	Яшаш қисми худудини ташкил этиш. Ишлаб чиқариш исми худудини ташкил этиш.
Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфра-тизим объектларини жойлаштириш	Қаттиқ қопламали (асосий) йўлларни жойлаштириш. Сув манбааларини жойлаштириш. Энергия, иссиқлик, газ таъминоти, оқава сувлар ва телефон алоқаси бўйича инженерлик тармоқларини жойлаштириш.
Ер турларини ва алмашлаб экишларни ташкил этиш	Ер турлари таркибини ва майдонларини белгилаш. Ер турларини трансформациялаш, яхшилаш ва уларни эрозиядан ҳимоялаш бўйича тадбирларни ишлаш. Хўжаликда алмашлаб экишларни ташкил этиш.
Ҳайдалма ерлар худудини ташкил этиш.	Алмашлаб экиш далаларини ва ишчи (суғориш) участкаларни жойлаштириш. Дала йўлларини жойлаштириш. Алмашлаб экишдан ташқари участкаларни жойлаштириш.
Яйловлар ва пичанзорлар худудларини	Яйловлар ва пичанзорлардан пичанзор ва яйлов алмашиш тизимларида фойдаланишни ташкил этиш. Турлар ва навларни жойлаштириш.

ташкил этиш.	
Дарахтзорлар худудларини ташкил этиш.	Ишлаб чиқариш инфратизими элементларини (омборхона, бинолар, йўллар, идиш майдончалари) жойлаштириш.

Катта ўлчамдаги фермер хўжаликларида ихота дарахтлари полосалари, кучли эрозияда эса - гидротехника иншоотлари жойлаштирилади.

Лойиҳалаш худудни функционал минтақалашдан, яъни, ўзининг табиий хусусиятлари ва жойлашган ўрни бўйича у ёки бу маҳсулотлар учун (қишлоқ хўжалик экинларини, ишлаб чиқариш ва уй-жой қурилишларини жойлаштириш, ўтлоқлаштириш дарахтлар экиш ва ш.ў.) кўпроқ яроқли бўлган ерларни ажратишдан бошланади.

Кейин фермер хўжалигининг хўжалик марказини (хўжалик ҳовлисини) жойлаштиришга киришилади. Хўжалик маркази икки қисмдан иборат бўлади: яшаш ва ишлаб чиқариш. Яшаш қисми ҳудудида уй, ҳоммом, енгил машинага ёки мотоциклга гараж, боғ-полиз участкаси жойлаштирилади. Ишлаб чиқариш қисми - чорвачилик фермаси ва омборхона, техника ва энергия хўжаликларига эга мосланган ёрдамчи участкадан иборат бўлади.

Чорвачилик фермаси ҳудудида молларни сақлаш учун бинолар, озуқа тайёрлаш учун жиҳозлар ва уларни сақлаш учун иншоотлар (пичан ва сомонлар учун бостирма, силос чуқурчалари, илдиз мевалар омборхонаси ва бошқ.) жойлаштирилади.

Ишлаб чиқариш қисми таркибига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, ишлаб чиқариш чиқиндиларини бирламчи қайта ишлаш ва сақлаш учун ҳар хил бинолар (кичик колбаса цехлари, пишлоқхона, дудхона) кириши мумкин.

Хўжалик маркази икки йўл билан шакллантирилиши мумкин:

қишлоқ аҳоли яшаш жойидаги мавжуд таморқа участкасида, уни қишлоқ ичидаги қўшни жойлашган бўш ерларни қўшиш йўли билан кенгайтириш ҳисобига;

фермер хўжалигига ажратилган ер массивида уй-жой ва ишлаб чиқариш қисмларидан иборат янги хўжалик марказини ташкил этиш ҳисобига.

Биринчи вазиятда ер тузиш масалалари санитария-гигиена, қурилиш-лойиҳалаш талабларини бажариш ва фермернинг ишлаб чиқариш бинолари билан аҳоли яшаш жойининг уй-жой қурилишлари орасида зооветеринария ва санитария ҳимоя полосаларини лойиҳалаш билан боғлиқ.

Иккинчи вазиятда фермер хўжалиги ҳудудида хўжалик марказини жойлаштиришнинг энг яхши ечимини топиш керак бўлади.

Хўжалик марказини жойлаштиришда қуйидаги талабларни ҳисобга олиш керак:

1. Транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мақсадида хўжалик ҳовлиси иложи борица хизмат кўрсатиладиган ер массивининг марказида бўлиши ва асосий ер турлари, маҳсулотларни топшириш ёки сотиш жойлари, бошқа қишлоқлар билан ишончли йўл алоқасига эга бўлиши керак.

2. Қурилиш учун танланган ҳудуд қулай, ёмғир, қор сувлари оқиб кетиши учун етарлик нишабликка эга, сизот сувлари сатҳи паст, бинолар ва иншоотларни қуришга яроқли тупроқ қатламларига эга бўлиши керак.

3. Қурилиш учун майдон батқоқлашмаган ва сув босмайдиган, эпидемия касалликларининг табиий ўчоқлари, кўчки келиш хавфи йўқ ҳудудда жойлашиши керак. Фермаларни эски моллар кабристони, тозалаш иншоотлари бўлган жойларда, рангли металлургия саноат корхоналарига 1,5-3,0 км яқин қуриш тақиқланади.

4. Хўжалик ҳовлиси ичиш, хўжалик - ишлаб чиқариш ва ёнғинга қарши заруратлар учун яхши ва мўл сув таъминотига эга, ҳамда электр энергияси, иссиқлик, газ, оқова сувларни чиқазгичлар билан марказлашган инженерлик тармоқларига боғлаш ёки локал ҳаёт таъминоти тизимини яратиш (артезиан ва бошқа қудуқларни, қозонхоналарни қуриш, энергиянинг табиий манбааларидан, биоёнилғилардан ва бошқ. фойдаланиш) ҳисобига таъминланган бўлиши керак. Бунда ҳудудни инженерлик жиҳозлаш билан боғлиқ харажатларнинг минимал бўлишига ҳаракат қилиш керак.

5. Янгидан ташкил этилаётган оилавий фермер ва деҳқон хўжаликларининг уй-жой ва ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини, ишлаб чиқариш майдонларини тежаш мақсадида, битта кичик участкада тўплаш керак. Бунда қурилиш участкасини кам унумли тупроқлардан ажратиш, деҳқончиликнинг товар маҳсулотларини ва озуқаларни ишлаб чиқаришни яхши ерларда мўлжаллаш керак. Яшаш қисми учун ажратилган участкалар фермаларга нисбатан шамол келадиган томонида, рельеф бўйича эса - қияликнинг ва дарё оқимининг юқорисида жойлаштирилиши керак. Бу ёқимсиз ҳидлар ва сувларнинг марказнинг яшаш қисмига киришига тўсқинлик қилади.

6. Майдонча совуқ, чанг-тўзонли ва бошқа зарарли шамоллардан жойнинг рельефи, ўрмон ёки дов-дарахтлар билан ҳимояланган бўлиши керак. Уйлар ва чорвачилик фермалари орасидаги санитария-ҳимоя оралиғи 50-100 м кам бўлмаслиги керак. Очiq, 200 бош ва ундан кўп қорамоллар учун озиқлантириш майдончалари бактериал, чангли ифлосланишларни ва ўзига хос ҳидларни ҳисобга олиб, уй-жой биноларидан 500 м кам бўлмаган масофага узоқлаштирилади. (Семейные фермы. Опыт проектирования и строительства. - М.: Госкомархивстрой РСФСР, 1990. 171 б. қаралсин).

7. Хўжалик ҳовлиларини жойлаштиришда архитектура-лойиҳалаш, қурилиш, санитария-гигиена, зооветеринария ва бошқа талаблар ҳисобга оlinиши керак.

Хўжалик маркази транспорт магистраллари ва аҳоли яшаш жойлари билан қаттиқ қопламали, кенглиги 6-8 м бўлган магистрал йўл билан боғланган бўлиши керак. Йўл қисқа масофа бўйича, иложи борица ҳар хил тўсиқлар (дарёлар, сойлар, жарликлар, каналлар) билан кесиштирмасдан лойиҳаланади. Шунда йўлларни ва йўл иншоотларини қуриш билан боғлиқ харажатлар ҳамда транспорт харажатлари минимал бўлади.

Магистрал йўлларни жойлаштиришда қимматбаҳо ерларни эгалламаслик ва уларнинг ер ости сувларига домий тўсиқлар бўлиб сув

оқимини тўсиши ҳисобига сув босишига, сизот сувлари кўтарилишига ва ботқоқланишига йўл қўймаслик керак.

Хўжаликнинг асосий ер турлари, аввало ҳайдалма ерлар, хўжалик маркази билан ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳар бир ер участкасига келишни таъминловчи яхши йўл боғланишига эга бўлиши керак. Одатда, кенглиги 4-6 м, яхшиланган қопламали дала йўллари (кўтарилган тупроқ, қўшимчалар билан мустаҳкамланган, нафақат автотранспортларнинг қарама-қарши йўналишларда ўтишини, балки, кенглиги катта қишлоқ хўжалик техникасининг ҳам ўтишини таъминлайдиган) бўлиши керак.

Дала йўллари ер тузишни лойиҳалаш талабларига мос тарзда далалар, асосий қишлоқ хўжалик ерлари чегаралари бўйлаб лойиҳаланади ва хўжаликни магистрал йўллар билан боғлайди.

Қишлоқ хўжалик ерларининг таркиби ва майдонлари фермер хўжалигининг ихтисослигига ва интенсивлик даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади. Асосий талаб шундан иборатки, ер турлари таркиби нафақат, хўжалик самарадорлигини оширишни, балки, ерлардан асосли фойдаланишни, экологик жиҳатдан турғун бўлмаган ҳайдалма ерлар, яйловлар, пичанзорлар, ишлов бериладиган дарахтзорлар ва табиий ландшафтнинг экологик жиҳатдан турғун объектлари (сув ҳавзалари, ўрмонлар, ботқоқликлар) орасидаги оқилона нисбатни таъминласин.

Қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш, трансформациялаш ва яхшилашга фақат ўзининг табиий хусусиятлари бўйича оширилган юкламани кўтара оладиган, хўжаликнинг асосий қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун яроқли участкалар мўлжалланади. Шу балан бир қаторда, қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан бузилган ерларни (кучли даражада эрозияга учраган, чарчаган, кам гумусли ва бошқ.) чиқариш керак. Уларни ўтлоқлаштириш, айрим ҳолларда эса - ўрмонлаштириш белгиланади.

Амалиёт кўрсатишича, фермер хўжаликларининг ҳайдалма ерларини алмашлаб экиш тизимида фойдаланиш кўпроқ мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, экинларнинг вақт ва ҳудуд бўйича оқилона алмашишининг уларни етиштириш-нинг илмий асосланган технологиялари, қўлланиладиган ўғитлаш тизими билан ўзаро боғлиқлиги ҳисобига, ҳосилдорликнинг ўсиши ва тупроқлар унумдорлиги ошиши учун энг яхши шароит яратиш имконини беради.

Фермер хўжаликлари, одатда, кичик ўлчамларда (100 гектаргача) ташкил этилишини ҳисобга олиб, уларда битта алмашлаб экишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур алмашлаб экиш типи хўжаликнинг ихтисослиги ва экиладиган экинлар таркиби бўйича аниқ-ланади. Чорвачилик йўналишидаги хўжаликларда - бу ем-хашак алмашлаб экиши, сабзавотчиликда - сабзавот, далачиликда - далачилик алмашлаб экишидир.

Боғ-полиз ва резавор экинларини жойлаштириш таморқа ерларида мўлжалланади.

Бозор конъюнктураси йиллар бўйича бир хил бўлмаганлиги сабабли, фермер хўжаликлари учун ҳар бир мустақил ишлов бериладиган ҳайдалма ер участкасига мос қишлоқ хўжалик экинларининг фақат вақт бўйича

алмашилини кўзлайдиган алмашлаб экишларни ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун хўжаликнинг барча ҳайдалма ерлари биринчи навбатда агроэкологик хусусиятлари (тупроқлар типлари, жойнинг рельефи, эрозияланиш даражаси ва бошқ.) бўйича бир хил ва механизмлар билан ишлов беришга яроқли бирламчи экологик турғун, участкаларга (алмашлаб экиш далаларига) бўлинади, кейин экиладиган экинлар таркибини ҳисобга олиб, уларни участкалар бўйича жойлаштиришнинг энг яхши ечими танланади. Жойлаштириш ерларнинг сифатини, олдин экилган қишлоқ хўжалик экинларини ва уларнинг ўзгариб турувчи таркибини эътиборга олиб ҳар йили ўтказилади.

Гиподинамиянинг олдини олиш, молларнинг қайта тикланиш функцияларини ошириш учун мавжуд сут фермаларига, қорамолларнинг тўлдирувчи бузоқларини ўстириш бўйича, чўчкачилик, қўйчилик фермаларига фермер хўжаликларида маданий яйловлар яратиш, ёзги лагерларни, моллар айланиб юрадиган майдончаларни қуриш мўлжалланади, пода йўллари ётқизилади.

Яйлов даврида чорвачилик иморатларини санациялаш ва таъмирлаш пайтида молларнинг асосий бош сони лагер-яйлов сақланишига ўтказилади, бунинг учун озиклантиргичлар, суғорғичлар ва соялаш бостирмалари билан жиҳозланган ярим очик типдаги майдончалар қурилади.

Маданий пичанзор ва яйловлардан пичанзор-яйловалмашишлар тизимида молларни қамаб, навбат билан боқишни ташкил этиб фойдаланиш мўлжалланади.

II.1. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича сони ва ер майдони ўлчамини аниқлаш

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий механизмларни такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида" 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сон фармонининг бажарилиши юзасидан ҳамда ижара муносабатларини кенг ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 30 октябрда №476-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарорини қабул қилди. Қарорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш кераклиги белгилаб берилган.

2008 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг П-3077 сонли фармойишида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг ер майдонларини йуқламадан (инвентаризациядан) аниқ ўтказиш, ер майдонларидан оқилона фойдаланишини таҳлил қилиш ва фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини танқидий таҳлил қилиш натижасида

фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш вазифаси қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда фермер хўжаликларининг иш юритишни ташкил этилганлиги, техника ва техник воситалар билан таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатиб ўтилди.

Яқинда матбуотда 2011 йил 18 апрелдаги Президентимиз Ислом Каримовнинг "Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3709-сонли Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжатни диққат билан ўқиб чиқиб, унинг ҳар бир бандини чуқур таҳлил қилсак, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги ривожланиш даврида аграр секторнинг асосий таянчи ҳисобланадиган фермер хўжаликларининг жамиятдаги ўрни ва роли ҳамда уларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш асослари кўрсатиб ўтилганлигига гувоҳи бўламиз.

Мазкур фармонни давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзuidaги маърузасида қайд этилган "ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси дир" деган ғоянинг амалдаги ифодаси, деб ҳам баҳолаш мумкин.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка, хусусан, Ер кодексининг 53-моддасига кўра фермер хўжалиги ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунга биноан эса фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва захира ерларда ташкил этилиши белгиланган бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектлари саналади.

Бунда деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 30 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 5 гектарни ташкил этса, чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Унга ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда суғориладиган ерларда камида 0,3-0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектар миқдорида белгиланган.

Фармонда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида амалга ошириш зарур бўлган бир қатор аниқ вазифалар белгилаб берилган бўлиб, уларнинг

бажарилиши, шубҳасиз фермер хўжаликлари манфаатларининг қонуний ҳимоясини кучайтириб, уларнинг янада эркин фаолият юритиши имкониятини яратади.

Қайд этилганидек, фермер хўжаликлари давлат мулки бўлган ер майдонларини ижара шартномасини тузиш йўли билан узоқ муддатли ижарага бериш асосида, фермер томонидан шартномада назарда тутилган тегишли мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда ташкил этилади. Демак фермер хўжалиги давлат мулки ҳисобланадиган ер майдонини шартнома асосида узоқ муддатга ижарага олишдан ташқари, ана шу шартномада кўзда тутилган бир қатор мажбуриятлар, жумладан тайёрловчилар билан тузиладиган контрактация шартномалари асосида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштириш-топшириш, ер майдонидан тўғри, оқилона ва мақсадли фойдаланиш, унинг ҳосилдорлигини пасайтирмаслик учун зарур чораларни узлуксиз кўриш каби мажбуриятларни ҳам олиши шарт. Шунингдек, фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир барча масалалар маҳаллий ҳокимият органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ равишда тақдим этиладиган даъволар асосида суд орқали ҳал қилиниши кўрсатилган. Эндиликда фаолият юритаётган фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва оптималлаштириш маҳаллий ҳокимият ёки ваколатли органларнинг даъволари асосида суд орқали амалга оширилади.

Фармоннинг кейинги бандида фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва оптималлаштириш юзасидан даъво қилиш бўйича асослар кўрсатилган. Унда айтилишича, фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир даъво аризаларини кўзгатиш ва уларни судга ошириш учун фермер томонидан ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятларининг бажарилишини чуқур таҳлил этишда бир неча ҳолатларнинг аниқланиши асос бўлади. Масалан, фермер ер майдонларини ижарага олиш шартномаси шартларини қўпол равишда бузган, яъни энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик экин майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаган ёки фермер хўжаликларини шакллантириш чоғида белгиланган фермер хўжаликлари ихтисослашувини бузган бўлиши мумкин. Бундан ташқари фармонда контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалик экинларини экиш, ижарага берилган қишлоқ хўжалик экинзорларидан нораціонал фойдаланиш, мунтазам (уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олиш, фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг шартларини мунтазам (уч йил мобайнида) бажармаслик, хўжалик фаолиятини самарасиз ва паст рентабелли юритиш, фермер хўжалигини банкрот деб эълон қилиш, жумладан, моддий-техник ресурслар, ишлар ва хизматларни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни мунтазам

равишда амалга оширмаслик даъво аризаларини кўзғатиш ва уларни судга ошириш учун сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Ана шу ҳолатларда маҳаллий ҳокимият ёки бошқа ваколатли орган фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ёки оптималлаштириш бўйича судга даъво киритиш ҳуқуқига эга бўлиб, бошқа ҳолатлар бўйича уларга бундай ҳуқуқ берилмаган. Албатта, ушбу фармонни амалда қўллаш бўйича ваколатли идоралар тегишли низом, йўриқнома ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишади. Шундай бўлса-да, ҳозирдан айтиш мумкинки, мазкур фармон фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишда ва тузилган шартномалар ижросини таъминлаш ҳамда ажратилган ер майдонидан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун фермер хўжаликлари масъулиятини оширишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Фармонга мувофиқ фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва оптималлаштиришни маҳаллий ҳокимият органларидан судларга олиб берилди. Сабаби шу пайтгача бу жараёнлар маҳаллий ижро ҳокимият органларининг қарорлари асосида ҳал этилаётган эди. Эндиликда эса бу тартиб бекор қилиниб, маҳаллий ёки бошқа ваколатли органларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этадиган даъволари суд орқали ҳал этилади.

Масалан, энди туман ҳокимлиги фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ёки оптималлаштириш учун бу ҳақда тўғридан-тўғри қарор чиқармасдан, бунга боғлиқ тегишли далилларни тўплаб, уларни илова қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси талаблари асосида расмийлаштириладиган даъво аризаси билан вилоят хўжалик судига мурожаат қилади. Мазкур судда эса ушбу низо юқорида кўрсатилган кодекс талаблари асосида суд мажлисида ҳар томонлама кўриб чиқилиб, у бўйича суд қарори қабул қилинади. Табиийки, бундай ҳолда суд қароридан норози тарафнинг белгиланган тартибда апелляция ёки кассация шикоятни қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади ва шу туфайли ушбу масала одил судлов йўли билан ўзининг адолатли ечимини топади.

Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг ушбу фармони фермерлар ва бошқа ер эгаларининг манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат ҳисобланади. Қолаверса, бу тартиб ҳуқуқий демократик жамият кураётган давлатимизнинг халқаро андозалардан келиб чиқиб, бу соҳада ҳам мустаҳкам адолат ўрнатиш сари ташлаган яна бир дадил қадами бўлди.

Ушбу фармоннинг амалда жорий этилиши мамлакатимизда фермер хўжаликларининг янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши ҳамда улар томонидан шартномада назарда тутилган тегишли мажбуриятлар тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасидаги масъулиятни кескин оширилишига ёрдам беради. Бу эса бугунги кунда — кишлоқ ҳаётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг янада чуқурлашуви, унинг бунданда кенгроқ қулоч ёйишига ҳам хизмат қилади.

Демак, юқорида таъкидлаб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011-йил 18-апрелдаги "Фермер

хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3709-сонли Фармонида кўра, фермер ер майдонларини ижарага олиш шартномаси шартларини қўпол равишда бузганлик, яъни энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик экин майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаган ёки фермер хўжаликларини шакллантириш чоғида белгиланган фермер хўжаликлари ихтисослашувини бузганлик, бундан ташқари контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалик экинларини экиш, ижарага берилган қишлоқ хўжалик экинзорларидан нораціонал фойдаланиш, мунтазам (уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олиш, фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг шартларини мунтазам (уч йил мобайнида) бажармаслик, хўжалик фаолиятини самарасиз ва паст рентабелли юритиш, фермер хўжалигини банкрот деб эълон қилиш, жумладан, моддий-техник ресурслар, ишлар ва хизматларни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаслик ҳолатлари мазку фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Фермер хўжаликларининг ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларини тартибга солиш, такомиллаштириш ёки оптималлаштириш - бу ердан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун шароит яратиш мақсадида уларнинг майдонларига, жойлашишига, чегараларига мақсадли ўзгаришлар киритиш бўйича ер тузиш ҳаракатларидир. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар камчиликлари - бу уларнинг ер майдонлари ва ер турлари таркибининг хўжалик ихтисоси талабларига жавоб бермаслиги, ер майдони ва унинг чегараларининг жойлашишидаги ердан ва сувдан фойдаланишга, хўжалик иқтисодига ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга салбий таъсир қиладиган ноқулайликлар тушунилади.

Фермер хўжаликларини лойиҳалашдан олдин массив ҳудудида мавжуд фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш йўналишлари ва бириктирилган майдонларини ўрганиб чиқамиз. Келажакда фойдаланиладиган ер майдонини аниқлаш учун массивнинг ер майдонини ўрганиб, яқин келажакда фойдаланиб бўлмайдиган ер бўлақларини аниқлаймиз. Бундай ерларга ўзлаштириб бўлмайдиган ботқоқликлар, кумликлар, жарликлар, кўллар ва шунга ўхшашлар киради.

Келажакда фойдаланиладиган ерлар майдони (Рф) қуйидаги ифода ёрдамида аникланади:

$$P_{\phi} = (P_x + P_{\text{бог}} + P_{\text{уз}} + P_{\text{тут}} + P_m + P_{\text{к.км}} + P_{\text{ух}} + P_{\text{терак}}) + P_{\text{уз}} \quad (1)$$

Бунда, P_x - массивнинг ҳайдалма ерлари, га;

$P_{\text{бог}}$ -боғзорлар, га; $P_{\text{уз}}$ -узумзорлар, га; $P_{\text{тут}}$ -тутзорлар, га;

P_m -томорқа ерлар; $P_{\text{к.км}}$ -қурилишлар, кўчалар, майдонлар;

$P_{\text{ух}}$ -ихота дарахтлари; $P_{\text{терак}}$ -теракзорлар; $P_{\text{уз}}$ -ўзлаштириладиган ерлар.

$$P_{\phi} = (810 + 15 + 10 + 8 + 58 + 25 + 4 + 3) + 12 = 945 \text{га}$$

Массив марказларининг майдонларини аниқлаш учун қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудида яшайдиган оилалар сонини аниқлаш керак. Бунинг учун аввал қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ишчи ва хизматчилар сонини аниқлаш керак. Ундан кейин бутун аҳоли сони аниқланади. Бу ишлар қуйидаги тартибда ва усулда бажарилади:

Ишчи ва хизматчилар сони қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$T = \frac{P_{\phi}}{K_e} + T_c + \frac{(\frac{P_{\phi}}{K_e} + T_c) \times \Pi}{100} \quad (2)$$

Бунда: Т – хўжалик учун зарур ишчи ва хизматчилар сони, одам;

Рф – келажакда фойдаланиладиган ер майдони, га;

Ке – бир деҳқон йил давомида ишлов бера оладиган ўртача ер майдони, 2–3га;

Тс – массив ҳудудида жойлашган маҳсулотларни қайта ишлайдиган ва бошқа саноат корхоналари ишчилари ҳамда массив ҳудудида яшаб бошқа жойларда ишлайдиган ишчи ва хизматчилар сони, одам; $T_c = \frac{P_{\phi}}{K_e} \times 0,4$

Π – инженер, техник, ёрдамчи ходимлар ва хизматчиларнинг хўжалик асосий ишлаб чиқаришида қатнашадиган ишчилар сонига нисбатан % миқдори (20-30 фоиз).

$$T = \frac{945}{3} + 126 + \frac{(\frac{945}{3} + 126) \times 30}{100} = 573 \text{одам}$$

Массив аҳолисининг келажакдаги умумий сони қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$H = \frac{100 \times T}{\Pi_3} \quad (3)$$

Бунда: Πз – ишчи ва хизматчиларнинг умумий аҳоли таркибидаги миқдори, % хўжалик марказлари учун 32-35 фоиз, ишлаб чиқариш бўлимлари ва бошқа ёрдамчи хўжалик марказлари учун 35-40 фоиз.

Ишчилар, ёрдамчи ходимлар, хизматчилар оилалари сони бутун аҳоли сонини битта оиланинг ўртача аъзолари сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ўзбекистонда вилоятлар бўйича ўртача оила аъзолари сони 5,0-6,0 одамга тўғри келади. $H = \frac{100 \times 573}{35} = 1637 \text{одам}$

Массив ҳудудида яшайдиган оилалар сони:

$$C = \frac{H}{n}; \quad (4) \quad C = \frac{1637}{5} = 328 \text{оила}$$

n - оила аъзолари сони (n=5).

Томорқа ерлари майдонлари оилалар сонини бир оила учун ажратиладиган томорқа ери майдонига купайтириш йўли билан аниқланади:

$$P_m = C \times A \quad (5) \quad P_m = 328 \times 0,18 = 59,2a$$

Бунда: А – битта оила учун ажратиладиган томорқа ери майдони (массивнинг низомига ва республикамизнинг ер тўғрисидаги қонун ости меъёрий ҳужжатларига қараб белгиланади).

Қишлоқларнинг умумий майдонини аниқлашда «Ўздаверлойиҳа» институти томонидан тавсия этилган коэффициентдан Кк фойдаланиш мумкин.

$$P_k = P_m \times K_k = 59 \times 1,5 = 88,52a \quad (6)$$

Бунда: Рк – қишлоқларнинг умумий майдони, га; Кк – қишлоқ коэффициентини (1,2 – 1,8).

Рт – томорқа ерлари майдони, га.

Массив марказини ер майдонининг марказига жойлашган йирик, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришга боғлиқ бино ва иншоотларни кўпроқ бўлган, сув билан яхши таъминланган, туман маркази, хўжалик бўлинмалари марказлари ва бошқа қишлоқлар билан яхши боғланган қишлоқда жойлаштириш керак.

Бўлинмалар марказларини ҳам уларнинг ер майдонлари марказларида жойлашган, ишлаб чиқариш, маданий-маиший бино ва иншоотларга эга бўлган, марказий ва бошқа қишлоқлар билан боғланган, сув билан таъминланган қишлоқларда жойлаштириш керак. Массив маркази билан битта ёки бир неча марказларини бирга, бир қишлоқда жойлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Бунда харажатлар анча камаяди. Айрим ҳолларда эса бир неча бўлинма марказларини биргаликда бир қишлоқда жойлаштириш ҳам яхши иқтисодий самара беради.

Фермер хўжаликлари ташкил топиши аҳоли бир қисмининг тарқоқ ҳолда яшашга олиб келади. Улага ўз ер майдонларида яшаш ва ишлаб чиқариш учун зарур бино ва иншоотлар қуриш учун жой белгиланади.

12-жадвал

Фермер хўжаликларининг ер турлари бўйича майдонлари

	Фермер хўжаликлари номи	Ишлаб чиқариш йўналиши	Умумий майдони	Қишлоқ хўжалик ерлари				Яйлов
				Ҳайдалма ер	боғлар	тутзор	терақ	
1	Амонжон Тўхтаев	Пахта-ғалла	212.9	208.10		6	0.8	
2	Баходир Бахор	Пахта-ғалла	67.1	61.07		6	0.45	
3	Бобир Собир	Пахта-ғалла	135.1	128.6		7.2	0.42	
4	Боборажаб	Пахта-ғалла	100	93.52		5		
5	Вали Фарух	Пахта-ғалла	67,4	61.54		4,18	0.78	
6	Дилдора	Пахта-ғалла боғ	84.8	70.92	4	6		
7	Муслиддин	Пахта-ғалла боғ	72.3	63.94	0,91	5	0,52	
8	Сайфулло	Пахта-ғалла	93.6	85.42		6		

9	Сардор Облокулов	Пахта-ғалла Боғдорчилик	67.1	57.95	5,95	4.43	1.0	
10	Зокир Шокир	Пах-ғалла- боғ	38.7	30,3	1,92	3.91	0	0
11	Холмурод Шойим угли	Чорвачилик						523
12	Асломбобо Азамат	Пахта-ғалла	100	93.52		5		
13	Ражабов Умид	Пахта-ғалла	67,4	61.54		4,18	0.78	
	Жами		2193	939	10	61,0	6.6	523

Массивда мавжуд фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони 2193 гектар бўлса шундан 1537 гектари қишлоқ хўжалик ерлари бўлиб бу 70 % ни ташкил қилади. Мазкур фермер хўжаликларини ўрганиш натижасида шу хулосага келдикки, мавжуд ер майдонларини фермер хўжаликларига бириктиришнинг амалдаги ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермайди, яъни бунда маълум бир камчиликлар туфайли бир қанча ноқулайликларга дуч келиш мумкин. Чунончи, баъзи фермер хўжаликлари ер участкаларининг умумий ер майдони анча кам миқдорни ташкил этади. Бу эса уларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, мавжуд фермер хўжаликлари орасида энг кичик ўлчамли майдон пахта-ғаллачиликка ихтисослашган “Зокир Шокир” фермер хўжалигига тегишли бўлиб, у 38.7 гектарни ташкил этади. Буни бошқа пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида кўрадиган бўлсак, “Сардор Облокулов” фермер хўжалигида бу кўрсаткич 67.1 гектарни, “Ражаб Умид” фермер хўжалигида 67.1 гектарни ташкил этади. Мавжуд фермер хўжаликлари орасида майдони бўйича энг йириги “Амонжон Тўхтаев” фермер хўжалиги бўлиб, унга бириктирилган умумий ер майдони 212.9 гектарни ташкил этади.

Майдон кичиклиги фермер хўжалиги учун бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқаради. Масалан, техникаларнинг далаларга ишлов беришда фойдали иш коэффициенти камайди. Шунингдек, агар майдон кичик бўлса, ундан олинадиган ҳосил ва ўз навбатида, олинадиган соф даромад ҳам паст бўлади. Бу эса фермер хўжалиги учун техника ва технология сотиб олиш имконияти паст бўлишига олиб келади. Демак, бу унинг иқтисодий самарадорликка эришишига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда, майдони кичик бўлган фермер хўжаликларида кредит олиш ва уни қайтариш имконияти майдони каттарок бўлган фермер хўжаликларига нисбатан камроқ бўлади.

Шунингдек, маълум фермер хўжаликлари ер майдони бошқа фермер хўжалик ерлари билан бўлинган бир неча бўлақлардан ташкил топиб қолган. Бу камчилик натижасида ер бўлақлари бир-бирларидан узоқлиги сабабли, хўжаликни бошқариш қийинлашади, транспорт харажатлари кўпаяди, ер бўлақларига бошқа хўжаликлар ерларидан ўтиб бориш учун кўп вақт сарфланади, натижада умумий харажатлар кўпаяди, хўжаликда алмашлаб экишни ташкил қилишда, ерларни сув билан таъминлашда қатор қийинчиликлар ва ноқулайликлар келиб чиқади. Булар ўз навбатида ишлаб

чиқариш самарадорлигини пасайтиради, ердан, сувдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ёмонлашишига олиб келади.

Шу билан бир қаторда, массивда маълум бир фермер хўжалиги ер майдони ичида бошқа фермер хўжалиги ер майдонининг жойлашиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Бу камчилик хўжалик ерларининг умумий майдони кенгайишига ва натижада қатнаш масофаси узайишига, оқибатда транспорт ва бошқа харажатларнинг кўпайишига олиб келади.

Биз юқорида санаб ўтилган камчиликлар сабабли, уларни бартараф этиш мақсадида массив ҳудудида фаолият курсатаётган фермер хўжаликлари ер участкалари ўлчамларини мақбуллаштириш билан боғлиқ лойиҳани ишлаб чиқдик. Натижада, фермер хўжаликларининг ер майдонлари қуйидагича ўлчамларга эга бўлди. Массив ҳудудида майдон ўлчамлари мақбуллаган фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича лойиҳани ишлаб чиқиш натижасида 9 та фермер хўжаликлари лойиҳаланди. Бу фермер хўжаликларидан 7 таси пахта-ғаллачиликка, 1 таси сабзавот, полиз ва боғдорчиликка, 1 таси чорвачиликка ихтисослашган. Мазкур фермер хўжаликларининг умумий ер майдони 2193 гектарни, ҳайдалма ерлар майдони 939 гектарни ташкил этди. Фермер хўжаликлари ер майдонларининг ўртача ўлчами 134.14 гектарни ташкил қилади.

II.2. Фермер хўжаликларини ҳудудда жойлаштириш лойиҳасини ишлаш

Массив ҳудудидаги мавжуд фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш лойиҳаси натижасида 7 та фермер хўжаликлари лойиҳаланди ва ҳудудда жойлаштирилди. Ҳудудда жойлаштириш натижалари қуйидаги 13-жадвалда келтирилган.

13-жадвал

Фермер хўжаликларининг ҳудудда жойлашуви тавсифи

№	Шу жумладан									Жойлашув тавсифи
	Хайдал- ма ер	Боғ- зор	Терак зор	Тут- зор	ихота	Ариклар, зовурлар	Йўл- лар	Қурилиш лар	Бошқа ерлар	
1	212.9		6	6		2,04	0,23	0,03		Шимол
2	135.1					0,45				Шимолий ғарб
3	167.1					0,99		0,05	0,47	Шимолий
4	152.2					1,40	0,09	0,12		Шимолий
5	72.3	5,91	0,52	0,5 2	0,37	2,55	0,34	0,16	0,63	шимолий
6	93.6				0,33	0,76	0,21		0,96	Шимолий
7	105.8	5,95				0,25	0,05			шимолий
8	523								523	Шимолий
	939	10	61,0	61, 0	523				523	

Массив ҳудудида жойлаштирилган фермер хўжаликларда экиладиган экин турлари ва майдонлари қуйидаги 14-жадвалда келтирилади.

Фермер хўжаликларида экиладиган экин турлари таркиби

№	Фермер хўжаликлари ихтисослиги	Экин майдони	шу жумладан				боғ узум	тут
			пахта	буғдой	беда	макка дони		
1	Пахта-ғаллачилик	212.9	116,66	66	7			11
2	Пахта-ғаллачилик Боғдорчилик	135.1	78,14	39	12		4	6
3	Пахта-ғаллачилик	167.1	106	48,92	13			9
4	Пахта-ғаллачилик	152.2	96,54	41				8
5	Пахта-ғаллачилик	72.3	40	26,86				3
6	Пахта-ғаллачилик	93.6	36	24	12	8		7
7	Пахта-ғаллачилик Боғдорчилик	105.8	57	37			6	8
8	Сабзавот	21.65	14.3			7.35		1
	Жами	939	515	282	44	15,35	10	61

14-жадвалга асосан фермер хўжаликларида экиладиган экин турлари майдони аниқланди. Унга кўра, экинлар экиладиган умумий экин майдони 939 гектарни ташкил этиб, бундан пахта ҳосили учун ажратилган майдон 515 гектарни, буғдой учун 282 гектарни, беда учун 44 гектарни, маккажўхори дони учун 15,35 гектарни, боғ учун 6 гектарни, узум учун 4 гектарни ва тут учун ажратилган майдон 61 гектарни ташкил қилади.

II.3. Фермер хўжаликлари ер участкаларини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш (битта фермер хўжалиги мисолида)

2.3 Фермер хўжаликларига ер ажратиш ҳужжатларини

расмийлаштириш

Ер тузишдаги қонун ҳужжатларига асосан қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхонаси ер участкалари махсус комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари ва уларнинг фермер хўжаликлари ер майдонларидан оқилона фойдаланишгани, техник воситалари мавжудлиги ва фермер хўжалигининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижалари, фермер хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш аҳоли ўрганиб чиқилади. Ер бериш “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низом” га асосан қуйидаги тартибда амалга оширилади. Туман ҳокими қайта ташкил қилинаётган фермер хўжалик ерларини фермер хўжаликларига бериш бўйича қарор қабул қилади. Ҳокимнинг танлов ўтказиш бўйича қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак. Танловда қатнашиш учун бириктирилаётган фермер хўжаликлари аризаси қабул қилинади. Бириктирилиши мўлжалланаётган фермер хўжаликлари қайси бир фермер хўжалигига қўшилиши кўрсатилган аризани комиссияга тақдим қилади. Фермер хўжаликлари қўшилиши фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги асосида амалга оширилади. Фуқороларнинг аризалари махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади. Туман ҳокими аризани ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияга беради, комиссия фермер хўжалигига ер участкаси беришни кўриб чиқиб комиссия қарори протокол билан расмийлаштирилади ва туман ҳокимига тақдим қилинади. Туман ҳокими комиссия қарорини фермер хўжалигига ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва ушбу қарорни ҳамда танлов комиссияси иши натижаларини вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборади. Вилоят ҳокими бошчилик қиладиган комиссия тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва туман ҳокимининг фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси

бериш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш (рад этиш) ҳақида қарор қабул қилади. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати томонидан беш кун муддатда ер участкасини ижарага бериш бериш шартномаси тайёрланади. Шартнома туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Шартномага фермер хўжалиги ер участкасининг харитаси илова қилинади. Унда барча ҳолатлар тўлиқ кўрсатилади. Шартнома тузилгандан кейин беш кун муддатда ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати вакили чегарадош ерлар вакиллари иштирокида ижарага берилган ер участкаси чегарасини кўрсатади. Ерларни кўрсатиш далолатнома билан расмийлаштирилади. Унда фермер хўжаликлари ерлари таркибига кирадиган ерлар контурлари кўрсатилади, ижарага берилаётган ер участкаси чегаралари жойнинг қайси элементлари бўйлаб ўтиши ва бошқалар тавсифланади. Далолатнома ер ресурслари бўйича ва давлат кадастри туман хизмати вакили, чегарадош ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Далолатнома 2 нусхада тузилади, улардан биттаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади. Ерларни ижарага беришни расмийлаштириш иш-лари тугаллангач ер тузиш йиғмажилди тайёрланади. Унда фуқоронинг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризаси, ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси ёки мазкур комиссия томонидан ўтказилган танлов яқунлари тўғрисида практокол. Туман ва вилоят ҳокимининг фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш шартномаси, фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини кўрсатиш далолатномаси. Ерни ижарага беришни расмийлаштириш бўйича ер тузиш йиғмажилди 2 нусхада тайёрланади, улардан биттаси ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАСИНИ ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИГА АЙЛАНТИРИШДА ЕР УЧАСТКАСИНИ УЗОҚ
МУДДАТЛИ ИЖАРАГА БЕРИШ**

Ш А Р Т Н О М А С И

**Ушбу Шартнома намунаси Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 5-январ №8-сонли қарори билан тасдиқланган.**

**Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантиришда
ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш**

Ш А Р Т Н О М А С И

2012__йил « 25__»__ноябр____№128- сон

Кейинги ўринларда «Ижарага берувчи» деб аталадиган Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани ҳокимлиги номидан ҳоким Муродов И бир томондан ва туман ҳокимининг 2012 йил «15» ноябрдаги №Ф/376- сонли қарори билан ташкил этилган, кейинги ўринларда «Ижарачи» деб аталадиган Дилдора фермер хўжалиги бошлиғи Т.Бозоров иккинчи томондан ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I.Шартнома мавзуси

1. Ижарага берувчи Қоровулбозор тумани ерларидаги 276, 277 контурлардаги 124.5 гектар ер участкасини 2013 йил «1»январдан бошлаб 45 йил муддат билан узоқ муддатли ижарага беради. Ижарачи эса ижарага қабул қилиб олади.

Ер участкаси чегаралари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган фермер хўжалиги ерларининг тархида кўрсатилган.

2.Ер участкаси Пахтачилик
(ихтисослашуви)

фермер хўжалигини юритиш учун узоқ муддатли ижарага берилмоқда.

3.Ер участкаси қуйидаги экин майдонларидан иборат:

суғориладиган экин майдони 115.6 гектар;

ариклар, зовурлар 3.3 гектар

қурилишлар, бинолар 2.5 гектар;

йўллар 3.1 гектар;

4.Суғориладиган ерларнинг сифат бўйича ҳолати:

сув билан таъминланганлиги 100%

суғориб келинаётган муддати янгидан;

сув сингдирувчанлиги яхши;

эрозияга учраганлик даражаси кам;

тошлоқлилик даражаси йўқ;

шўрланганлик даражаси кам шўрланган;

сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 2,5-5 м;

тупроқнинг балл-бонитети 48;

5.Ер участкасини фойдаланилганлик даражаси ; яхши

6.Сервитутлар келишилган

II. Ижара ҳақини тўлаш

7. Ер учун ижара ҳақи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалиги ерлари учун тасдиқланган муддатлар ва ставкалар бўйича ягона ер солиғи тарзида туман бюджетига тўланади.

8. Ижара ҳақининг ўз вақтида тўланмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

III. Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Ижарага берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Шартномани ўзгартиришни ёки Шартнома шартлари Ижарачи томонидан бузилган тақдирда уни бекор қилишни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ер участкасини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда харажатларни ва етказилган заррани (шу жумладан бой берилган фойдани) тўлиқ қоплаш шарт билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиш;

ер участкасидан фойдаланилганлик даражасини ва сервитутларни аниқлаш.

10. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:

ижарага олинган ер участкасини ушбу Шартномада белгиланган муддатларда натура ҳолида (ўз жойида) берилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўсимликларни суғориш учун ажратилган лимитларга мувофиқ сув берилишини таъминлаш;

Ижарачининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларга риоя қилиш.

IV. Ижарачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Ижарачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ер участкасида белгиланган мақсадда ва фермер хўжалиги уставига мувофиқ мустақил равишда хўжалик юритиш;

экилган ва ўтқазилган қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўсимликларга, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҳамда уларни сотишдан олинган даромадларга эгалик қилиш;

ер участкасидаги кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ерларнинг бошқа фойдали хоссаларидан фойдаланиш;

ерларни суғориш, захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиоратив ишларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини , ўсимликларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;

Ижарага берувчи билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда ишлаб чиқариш мақсадидаги ҳамда бошқа иморат ва иншоотлар қуриш. Уларни қайта қуриш ва бузишни ер участкасининг белгиланган мақсадидаги ҳамда лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

Ер участкаси олиб қўйилганда ўзига етказилган зарарни (шу жумладан бой берилган фойдани) ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганда харажатларни ундириб олиш;

Ижарачи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

12. Ижарачи қуйидагиларга мажбур:

ихтисослашувни 10 йил мобайнида сақлаш;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни (ихтисосликни ҳисобга олгин ҳолда) ташкил этиш;

ерлардан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупрок унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилиш технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашишига йўл қўймаслик;

ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларининг соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;

ерларни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида назарда тутилган тадбирлар комплексини амалга ошириш;

ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва эгаларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

ердан фойдаланиш бўйича белгиланган маълумотларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз вақтида тақдим этиш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва эгаларига етказилган зарарни белгиланган тартибда тўлаш;

ўз зиммасига тўғри келадиган кредиторлик қарз улушининг тузилган шартномада белгиланган муддатларда тўланишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини (беш йил мобайнида ўртача ҳисобда) ернинг нормативдаги кадастр баҳосидан кам бўлмас-лигини таъминлаш;

Ижарачи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган боша мажбуриятларга ҳам эга.

V. Ер участкаси ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

13. Ушбу Шартнома томонларнинг келишувига биноан, томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

14. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

фермер хўжалиги тугатилган тақдирда;

агар хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меъросхўр қолмаса;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда

ер участкаси ижарага берилган муддат тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш имконияти бўлмаганда;

ердан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланилмаганда, нормативдаги кадастр баҳосидан мунтазам равишда (уч йил мобайнида) паст ҳосил олинганда;

ерларнинг экологик ҳолати ижарачининг айбига кўра ёмонлашганда;

ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

ижара ҳақи мунтазам равишда белгиланган муддатларда тўланмаганда;

агар фермер хўжалиги ер участкасини олган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида ишлаб чиқариш- хўжалик фаолиятига киришмаса;

фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта қўпол равишда бузилганда; ушбу Шартнома шартлари бузилганда; амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар бўйича.

VI. Томонларнинг жавобгарлиги

15. Томонлардан бири ушбу Шартнома шартларини бажармаганда ёки қонунчиликни мунтазам равишда бузганда иккинчи томон ушбу Шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишини талаб этиш ҳуқуқига эга.

16. Бартараф этилиши мумкин бўлган ҳар қандай бузилиш Шартноманинг бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

17. Томонлардан бири Шартномани бекор қилиш истаги тўғрисида иккинчи томонни Шартноманинг бекор қилиниш сабабларини асослаган ҳолда уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилади.

VII. Низоларни ҳал қилиш

18. Ушбу Шартномадан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

19. Ушбу Шартнома Ижарага берувчи томонидан муддатидан олдин бекор қилинганда Ижарачи Ижарага берувчининг қароридан норози бўлган тақдирда ушбу қарор юзасидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

VIII. Шартноманинг алоҳида шартлари

20. Ушбу Шартнома уч нусхада тузилади, улардан биттаси туман ҳокимлигида, иккинчиси – фермер хўжалигида, учинчиси – туман ер ресурслари хизматида сақланади.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Ижарага берувчи:
Қоракўл тумани ҳокими

Ижарачи:
фермер хўжалиги

Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи- Қоровулбозор
тумани ҳокими

Тоштемир Бозоров
фермер хўжалиги бошлиғи

имзо ўрни

имзо ўрни

« Дилдора » фермер хўжалиги ер участкаси чегаралари

ТАРХИ

Чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар

А дан Б гача _____

Б дан В гача _____

В дан Г гача _____

Миқёс 1:10 000

Ижарачи

Фермер хўжалиги раҳбари

(имзо)

(исми, шарифи)

М.Ў

Туман ер ресурслари хизмати раҳбари

(имзо)

М.Ў

Ижарага берувчи

тумани ҳокими

(исми, шарифи)

М.Ў

(исми, шарифи)

« Дилдора » фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларини жойида
кўрсатиш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

2013 йил «10» январь 235 сонли

Қоракўл
(тузилган жой)

Мен Эргашов Дилмурод Қоровулбозор туман ер тузиш хизмати бош ер тузувчи мухандиси

Қоровулбозор тумани хокимининг 2012 йил «15» ноябрдаги №Ф/376-сонли қарорига асосан Жарқоқ массиви ҳудудида жойлашган Дилдора фермер хўжалигига ажратилган жами 124.5 гектар;

Шундан ер турлари бўйича:

Номи	Контур т/р	Майдони, га	Номи	Контур т/р	Майдони, га
Сувли хайдаладиган Сув остидаги ерлар Йўллар, уватлар	276, 277	- 3.3 3.1	Қурилиш билан банд ерлар Бошқа ерлар		2.5

Ер майдонларини жойида фермер хўжалиги бошлиғи Т.Бозоров иштирокида ўлчаб кўрсатдим. Ер майдонини ўлчаб кўрсатишда қўшни чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакилларидан Собиров Б, ҚФЙ раиси Каримов Р, Дилдора фермер хўжалиги раҳбари Т.Бозоровлар иштирок этишди.

Фермер хўжалигига ажратилган ер майдони қуйидаги чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ва ер элементлари билан чегараланади ариқлар, фермер хўжаликлари ва қўшни массивлар

Ажратилган ер майдонининг жанубий ва шарқий томонига чегара белгилари қўйилди ва ушбу қўйилган белгиларни ўз ҳолатида сақлаш мажбурияти фермер хўжалиги раҳбарига юклатилади.

Ажратилган ер майдонини ўлчаб кўрсатди: Д.Эргашов
(имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ажратилган ер майдонини қабул қилди: Т.Бозоров
(фермер хўжалигининг номи ва вакилнинг
фамилияси, исми, лавозими)

Чегарадош ер эгалари ва
ердан фойдаланувчиларнинг
вакиллари:

1. Зокир Шокир фермер хўжалиги
2. Бобо Ражаб фермер хўжалиги

III БОБ. Фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўлчамини мақбуллаштириш лойиҳасини иқтисодий асослаш

III.1. Ишлаб чиқариш бўлинмалари қишлоқларини жойлаштириш

Массивда ишлаб чиқариш бўлинмалари ва майдонларини аниқлаш билан бир вақтда массивнинг марказий кўрғони, бўлинма қишлоқлари ва бошқа ёрдамчи қишлоқларни жойлаштириш вазифаси бажарилади.

Худуддаги аҳоли яшаш жойининг кўп бўлган эски худудларда ҳар бир аҳоли яшаш жойининг келажаги ва ундан фойдаланиш тартиби белгиланади, яъни қайси қишлоқни марказий, қайсиларини бўлинма қишлоқлари сифатида, деҳқон ва фермер хўжаликлари марказлари ва ёрдамчи марказлар сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш керак.

Массив марказларини жойлаштириш учун уларнинг келажақдаги майдони, уларда яшайдиган аҳолининг сонини билиш керак. Қишлоқ хўжалик корхо-наларида аҳолии сони тўғридан-тўғри массивнинг фойдаланиладиган ер майдонига боғлиқ.

Келажақда фойдаланиладиган ер майдонини аниқлаш учун массивнинг ер майдонини ўрганиб, якин келажақда фойдаланиб бўлмайдиган ер бўлақларини аниқладик. Бундай ерларга ўзлаштириб бўлмайдиган ботқоқликлар, кумликлар, жарликлар, кўллар ва шунга ўхшашлар киради.

Келажақда фойдаланиладиган ерлар майдони (P_{ϕ}) қуйидаги ифода ёрдамида аниқланди:

$$P_{\phi} = (P_x + P_{\text{боғ}} + P_{\text{уз}} + P_{\text{тут}} + P_m + P_{\text{к.км}} + P_{\text{их}} + P_{\text{терак}}) + P_{\text{уз}} \quad (1)$$

Бунда, P_x - массивнинг ҳайдалма ерлари, га;

$P_{\text{боғ}}$ -боғзорлар, га; $P_{\text{уз}}$ -узумзорлар, га; $P_{\text{тут}}$ -тутзорлар, га;

P_m -томорқа ерлар; $P_{\text{к.км}}$ -қурилишлар, кўчалар, майдонлар;

$P_{\text{их}}$ -ихота дарахтлари; $P_{\text{терак}}$ -теракзорлар; $P_{\text{уз}}$ -ўзлаштириладиган ерлар.

$$P_{\phi} = (810 + 15 + 10 + 8 + 58 + 25 + 4 + 3) + 12 = 945 \text{ га}$$

Массив марказларининг майдонларини аниқлаш учун қишлоқ хўжалик корхонаси худудида яшайдиган оилалар сонини аниқлаш керак. Бунинг учун аввал қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ишчи ва хизматчилар сонини аниқлаш керак. Ундан кейин бутун аҳоли сони аниқланади. Бу ишлар қуйидаги тартибда ва усулда бажарилади:

Ишчи ва хизматчилар сони қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$T = \frac{P_{\phi}}{K_e} + T_c + \frac{\left(\frac{P_{\phi}}{K_e} + T_c\right) \times \Pi}{100} \quad (2)$$

Бунда: T – хўжалик учун зарур ишчи ва хизматчилар сони, одам;

P_{ϕ} – келажақда фойдаланиладиган ер майдони, га;

K_e – бир деҳқон йил давомида ишлов бера оладиган ўртача ер майдони, 2– 3га;

T_c – массив ҳудудида жойлашган маҳсулотларни қайта ишлайдиган ва бошқа саноат корхоналари ишчилари ҳамда массив ҳудудида яшаб бошқа жойларда ишлайдиган ишчи ва хизматчилар сони, одам; $T_c = \frac{P_\phi}{K_e} \times 0,4$

Π – инженер, техник, ёрдамчи ходимлар ва хизматчиларнинг хўжалик асосий ишлаб чиқаришида қатнашадиган ишчилар сонига нисбатан % миқдори (20-30 фоиз).

$$T = \frac{945}{3} + 126 + \frac{(\frac{945}{3} + 126) \times 30}{100} = 573 \text{ одам}$$

Массив аҳолисининг келажакдаги умумий сони қуйидаги ифода ёрдамида аниқланди:

$$H = \frac{100 \times T}{\Pi} \quad (3)$$

Бунда: Π_3 – ишчи ва хизматчиларнинг умумий аҳоли таркибидаги миқдори, % хўжалик марказлари учун 32-35 фоиз, ишлаб чиқариш бўлимлари ва бошқа ёрдамчи хўжалик марказлари учун 35-40 фоиз.

Ишчилар, ёрдамчи ходимлар, хизматчилар оилалари сони бутун аҳоли сонини битта оиланинг ўртача аъзолари сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ўзбекистонда вилоятлар бўйича ўртача оила аъзолари сони 5,0-6,0 одамга тўғри келади. $H = \frac{100 \times 573}{35} = 1637 \text{ одам}$

Массив ҳудудида яшайдиган оилалар сони:

$$C = \frac{H}{n}; \quad (4) \quad C = \frac{1637}{5} = 328 \text{ оила}$$

n - оила аъзолари сони ($n=5$).

Томорқа ерлари майдонлари оилалар сонини бир оила учун ажратиладиган томорқа ери майдонига купайтириш йули билан аниқланади:

$$P_m = C \times A \quad (5) \quad P_m = 328 \times 0,18 = 59,2 \text{ га}$$

Бунда: A – битта оила учун ажратиладиган томорқа ери майдони (массивнинг низомига ва республикамизнинг ер тўғрисидаги қонун ости меъёрий ҳужжатларига қараб белгиланади).

Қишлоқларнинг умумий майдонини аниқлашда «Ўздаверлойиҳа» институти томонидан тавсия этилган коэффициентдан K_k фойдаланиш мумкин.

$$P_k = P_m \times K_k = 59 \times 1,5 = 88,5 \text{ га} \quad (6)$$

Бунда: P_k – қишлоқларнинг умумий майдони, га; K_k – қишлоқ коэффициентини (1,2 – 1,8).

P_t – томорқа ерлари майдони, га.

Ҳар бир қишлоқ ёнига, агар қишлоқлар яқин жойлашган бўлса, ҳар бир неча қишлоқ учун қабристон лойиҳаланади. Улар рельефнинг баланд, қўрғон, сув босмайдиган ва ер ости сувлари чуқур жойлашган ерларга, қишлоқларга 300 метрдан яқин бўлмаган масофада, шамол йўналиши бўйича қишлоқдан

пастга жойлаштирилади. Иложи борица мавжуд қабристонларни сақлаб қолиш керак. Қабристонлар майдони ҳар 1000 та одамга 0,12 га ҳисобида аниқланади.

$$P_{\text{каб}} = \frac{H \times 0,12}{1000} = \frac{1637 \times 0,12}{1000} = 0,2 \text{ га} \quad (7)$$

Агар мавжуд қабристонлар майдони ҳисобидагидан катта бўлса, уларнинг майдонлари сақлаб қолинади.

Ечимлар бўйича капитал харажатларни аниқлаганда фақат хўжалик марказлари ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

Қурилиш учун кетадиган капитал харажатлар қуриладиган бино ва иншоотларнинг смета (лойиҳа бўйича) баҳоси билан аниқланади.

Бунинг учун қуриладиган бино ва иншоотларнинг рўйхати тузилади. Ҳисоблаш ишларини енгиллатиш мақсадида илмий муассасалар тавсия қилган ўртача меъёрлардан фойдаланиш мумкин.

15-жадвал

Массив марказидаги қурилишлар қиймати.

Лойиҳани ишлаган ташкилот номи	қурилишнинг номи	қурилиш- нинг қиймати минг сўм	1-ечим		2-ечим	
			сони	умумий қиймати млн. сўм	сони	умумий қиймати млн.сўм
1	2	3	4	5	6	7
А – уй-жой қуриш						
Ўздаверлойиҳа	3 хонали уй	18000	6	108	8	144
Ўздаверлойиҳа	4 хонали уй	20000	7	140	7	140
Ўздаверлойиҳа	5 хонали уй	24000	7	168	5	120
	Жами		20	416	20	404
Б – маданий-маиший бино ва иншоотлар						
Ўзқишлоқ- лойиҳа	Маҳалла гузари	400000	1	400	1	400
Ўзқишлоқ- лойиҳа	Маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйи	200000	1	200	1	200
8-жадвалнинг давоми						
Ўзқишлоқ- лойиҳа	Спорт комплекси	150000	1	150	-	-
	Жами:			750		600
В – маъмурий ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари						
816-17С	Қ/х. техникасига хизмат кўрсатиш устахонаси	120000	1	120	1	120
118-156С	Дала шийпони	10000	3	30	2	20
	Жами:			150		140
	Хаммаси:			1316		1144

Қишлоқларни муҳандислик жиҳозлашга ва ободонлаштиришга кетадиган харажатлар уларнинг бир одамга тўғри келадиган ўртача қиймати ёрдамида аниқланади (тавсиф этилган бир одамга тўғри келадиган муҳандислик жиҳозлаш ва ободонлаштириш қиймати 50000 сўм, бир оила 250000 сўм).

Кўчиб ўтувчи оилаларга ёрдам пули берилиши керак (ёрдам пули бир оилага 380000 сўм миқдорида тавсия этилади). Бундан ташқари, уларга уйларини бузиш, мевали ва мевасиз дарахтларнинг қиймати, янги боғлари, узумзорлари мевага киргунча йўқотадиган ҳосилининг қийматини қоплаш учун пул ажратилиши керак (бунинг учун ҳар бир кўчаётган оилага 840000 сўм миқдорда пул ажратиш тавсия этилади).

Ечимлар бўйича аниқланган капитал харажатлар 16-жадвалга ёзилади.

16-жадвал

Ечимлар бўйича капитал харажатлар ҳажми.

т/р.	Харажатлар турлари	Харажат қиймати, млн.сўм	
		1-ечим	2-ечим
1	2	3	4
1.	Уй-жой қуриш	416	404
2.	Маданий-маиший қурилиш	750	600
3.	Маъмурий, ишлаб чиқариш ва бошқа қурилишлар	150	120
4.	Муҳандислик жиҳозлаш ва ободонлаштириш	22x0,25=5,5	22x0,25=5,5
5.	Кўчаётганларга ёрдам бериш учун бериладиган пул	22x0,38=8,36	22x0,38=8,36
6.	Кўчиш билан боғлиқ зарар ва харажатларни қоплаш учун бериладиган пул	22x0,84=18,48	22x0,84=18,48
	Жами:	1348,34	1156,34

Бир марта сарфланадиган капитал харажатлар аниқлангандан кейин ечимлар бўйича йиллик харажатлар аниқланади. Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатларига капитал харажатлар бўйича амортизация ажратмаси, асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни ташкил қилиш харажатлари ва маъмурий бошқарув ходимлари иш ҳақи учун ажратиладиган маблағлар киради.

Бино ва иншоотлардан фойдаланиш харажатлари капитал харажатлар қийматидан % ҳисобида аниқланади (босқич лойиҳасидаги ҳисоблар учун уни капитал харажатларнинг 3-5 % миқдорида қабул қилиш мумкин).

Транспорт харажатлари таркибига етиштирилган маҳсулотни далалардан хўжалик марказларига ташиш, юкларни хўжалик марказидан далаларга ташиш (минерал ва маҳаллий ўғитлар, ёнилғи-мой ва бошқалар) ва ишчиларни иш ўрнига олиб боришга ва олиб келишга кетадиган харажатлар киради.

Ечимлар буйича амортизация ажратмаси, бино ва иншоотлардан
фойдаланишни ташкил қилиш учун кетадиган харажатлар

Т.р	Харажат турлари	Ажратиладиган %	Харажатлар, минг сўм	
			1-ечим	2-ечим
1	Амортизация ажратмаси шу жумладан: уй-жой қуриш маданий-маиший бино ва иншоотлар маъмурий, ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари муҳан- дислик жиҳозлари ва ободонлаштириш	2,0 2,0 3,3 4,1	28495 8320 15000 4950 225	24265 8080 12000 3960 225
2	Бино ва иншоотлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар	4,0	53933,6	46253,6
	Жами:		82428,6	70518,6

Юкларни ташишга кетадиган транспорт харажатлари қуйидаги ифода
ёрдамида аниқланади:

$$C_{ю.} = \frac{P_{\phi} \times Y \times R \times S_{ю}}{1000} \quad (8)$$

Бунда: $C_{ю.}$ – массив ичида юкларни ташиш харажатлари, минг сўм;

P_{ϕ} – массивда фойдаланиладиган ерлар майдони, га;

Y – 1 га тўғри келадиган ўртача юклар миқдори, т; 20-25 т.

R – юкларни ташишнинг ўртача масофаси, км;

$S_{ю}$ – 1 т юкни 1 км масофага ташиш ҳаққи, сўм (8-илова).

Бир гектарга тўғри келадиган ўртача юк таркибига уруғлик, маъданли
(минерал) ва маҳаллий ўғитлар, асосий ва қўшимча маҳсулотлар ҳамда
сарфлана-
диган ёнилғи миқдори киради.

$$R_1 = 1,5 \text{ км.} \quad R_2 = 1,7 \text{ км.}$$

Пахтачилик массивларида пахта ҳосили массив марказларига олиб
келинмасдан тўғри даладан пахта қабул қилиш жойларига жўнатилса, уни
массив марказларини жойлаштириш лойиҳаси ечимларини иқтисодий
асослашда ҳисобга олмаслик керак.

Бизнинг мисолимизда:

$$C_{ю1.} = \frac{945 \times 20 \times 1,5 \times 500}{1000} = 14175 \text{ минг сўм}$$

$$C_{ю2.} = \frac{945 \times 20 \times 1,7 \times 500}{1000} = 16065 \text{ минг сўм}$$

Ишчиларни иш ўрнига олиб бориш ва олиб келиш харажатлари
қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$C_{u.} = \frac{D \times P_{\phi} \times n \times R \times S_o}{1000 \times y \times j \times E} \quad (9)$$

Бунда: $C_{u.}$ - ишчиларни ташиш харажатлари, минг сўм;

D – 1 га ерга 1 йилда сарфланадиган меҳнат миқдори, одам/кун ;

n – бир кундаги катновлар сони;

S_o – автомашинанинг 1 км юриш ҳақи, сўм ;

y – автомашина сиғимидан фойдаланиш коэффиценти;

j – автомашинанинг фойдали иш коэффиценти;

E – автомашина сиғими, одам.

$$C_{u1} = \frac{50 \times 945 \times 2 \times 1,5 \times 300}{1000 \times 0,9 \times 0,7 \times 24} = 2812,5 \text{ минг сўм}$$

$$C_{u2} = \frac{50 \times 945 \times 2 \times 1,7 \times 300}{1000 \times 0,9 \times 0,7 \times 24} = 3187,5 \text{ минг сўм}$$

18-жадвал

Ечимлар бўйича транспорт харажатлари, минг сўм ҳисобида.

Транспорт харажатлари тури	Транспорт харажатлари миқдори	
Юкларни ташиш	14175	16065
Одамларни ташиш	2812,5	3187,5
Жами:	16987,5	19252,5

Маъмурий бошқарув ходимлари иш ҳақи фонди уларнинг керакли сонига ва таъриф жадвалида кўрсатилган иш ҳақи миқдорига қараб аниқланади.

19-жадвал

Ечимлар бўйича маъмурий бошқарув ходимлари иш ҳақи фонди.

Лавозимлар	1-ечим			2-ечим		
	сон	ойлик маоши сўм	йиллик маоши минг сўм	сон	ойлик маоши сум	йиллик маоши минг сум
1	2	3	4	5	6	7
Фермер хўжаликлари	8	120000	11520	10	120000	14400
Агрооном	2	150000	3600	2	150000	3600
Инженер гидротехник	1	150000	1800	1	150000	1800
Инженер механик	2	150000	3600	2	150000	3600
Жами:	13	-	20520	15	-	23400

Ечимлар бўйича йиллик харажатлар.

Харажат турлари	Харажатлар миқдори, минг сўм	
	1-ечим	2-ечим
1	2	3
Амортизация ажратмаси	28495	24265
Бино ва иншоотлардан фойдаланишни ташкил қилиш харажатлари	53933,6	46253,6
Транспорт харажатлари	16987,5	19252,5
Иш ҳақи фонди	20520	23400
Жами:	119936,1	113171,1

Капитал ва йиллик харажатлар аниқлангандан кейин, ечимлар бўйича келтирилган харажатлар аниқланади. Бунда қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$P_i = C_i + K_i \times E_n \quad (10)$$

Бунда: P_i – ечимлар бўйича келтирилган харажатлар, минг сўм;

C_i – ечимлар бўйича йиллик харажатлар, минг сўм;

K_i – ечимлар бўйича капитал харажатлар, минг сўм;

E_n – капитал харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги коэффициенти (қишлоқ хўжалиги учун $E_n = 0,07-0,15$)

$$E_1 = 119936,1 \text{ минг сўм} + 1348340 \text{ минг сўм} \times 0,15 = 322187,1 \text{ минг сўм.}$$

$$E_2 = 113171,1 \text{ минг сўм} + 1156340 \text{ минг сўм} \times 0,15 = 286622,1 \text{ минг сўм.}$$

Қайси ечимда келтирилган харажатлар миқдори кам бўлса, шу ечим энг яхши, самарали ечим ҳисобланади ва лойиҳа ечими сифатида қабул қилинади.

Агар ечимлар бўйича келтирилган харажатлар миқдори бир хил бўлса, лойиҳа ечимларини баҳолашда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражасига, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш шароитларидаги фарққа қараб, яхши ечим аниқланади.

III БОБ. Фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўлчамини мақбуллаштириш лойиҳасини иқтисодий асослаш

3.1. Фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми ва қийматини ҳамда улар учун қилинадиган йиллик харажатлар миқдори ва соф даромадни аниқлаш

Массив ҳудудида жойлашган фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш натижасида фермер хўжаликларида боғ-узумзорлардан ва қишлоқ хўжалик экинларидан олиннадиган ялпи маҳсулотлар ҳисоби қуйидаги жадвалда келтирилган.

Фермер хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т.р	Қишлоқ хўжалик экин ва ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлик ц/га	Ялпи ҳосил, тонна
1	Пахта	774,24	22	1703
2	Буғдой: дони	539,88	32	1727
	сомони		30	1620
3	Маккажўхори: дони	15,35	53	81,3
	пояси		220	337
4	Беда	40,0	100	400
5	Мева	92,03	55	506
6	Узум	0,1	60	0,6
7	Сабзавот	18,33	200	366
8	картошка	10	220	220
		1397,8		

16-жадвалдан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган умумий майдони 1397,8 гектарни ташкил этиб, бундан 774,88 гектарини пахта, 539,88 гектарини эса, буғдой етиштириладиган майдон ташкил этади. Ем-хашак экинларидан маккажўхори етиштириладиган майдон 55,35 гектарини, ташкил этади. Лойиҳада мавжуд 2 та чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида 2 тасининг майдони ўзгаришсиз сақлаб қолдик. Демак, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг умумий умумий майдони 82,78 гектарни ташкил этди шундан 80,35 гектари ҳайдалма ерлардан иборат. Ҳар бир чорва моли учун 0,3 гектардан суғориладиган ҳайдалма ер майдони ажратилиб, фермер хўжаликларида 268 та қорамол учун етарли даражада ер майдони ажратилди. Мана шу чорвачилик фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар миқдори қуйидаги жадвалда келтирилган.

Чорвачилик фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар миқдори

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	миқдори
1	Қорамоллар сони	бош	268
	1 бош қорамол ҳисобига		
	етиштириладиган гўшт	кг	60
	Жами етиштириладиган гўшт	тонна	16,1
2	Соғин сигирлар сони	бош	102
	Бир сигирдан йил давомида		
	соғиб олинадиган сут	кг	1200
	Жами етиштириладиган сут	тонна	122,4
3	Жами етиштириладиган пилла	тонна	2
	Бир қути ипак қуртидан	кг	50
	олинадиган пилла		

Юқоридаги жадваллардаги маълумотлардан кўринадигани массивнинг ўртача тупроқ балл бонитети 43 баллни ташкил қилганлигини ҳисобга олган ҳолда экинлардан олинадиган ҳосилдорликда бу ҳисобга олинди.

Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини миқдори уларнинг харид нархларига кўпайтириш орқали аниқланади. Ҳисоб китоблар натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

23-жадвал

Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари бўйича қиймати

Т. р	Маҳсулот номи	Миқдори тонна	1 тонна маҳсулот нархи, минг сўм	Умумий қиймати Минг сўм
1	Пахта	1703	600	1021800
2	Буғдой: дони	1727	200	345400
	сомони	1620	50	81000
3	Маккажўхори: дони	81,3	200	16260
	пояси	337	75	25275
4	Беда	400	100	40000
5	Мева	506	500	253000
6	Узум	0,6	600	360
7	Сабзавот	366	300	109800
8	картошка	220	300	66000
	Дехқончилик бўйича жами			1958895
8	Сут	102	800	81600
9	Гўшт	16,1	7500	120750
10	пилла	2	5000	10000
	Чорвачилик бўйича жами			212350
	Массив бўйича ҳаммаси			2171245

24- жадвал

Фермер хўжаликларининг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати	Минг сўм	2171245
	Шу жумладан: Дехқончилик	Минг сўм	1958895
	Чорвачилик	Минг сўм	212350
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	1628400
	Соф даромад	Минг сўм	542845
	Рентабеллик	%	33,3

23-24-жадвал натижалари бўйича фермер хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларининг умумий қиймати 2171245 минг сўмни, бундан деҳқончилик маҳсулотларининг умумий қиймати 1958895 минг сўмни, чорвачилик маҳсулотларининг

умумий қиймати эса, 212350 минг сўмни ташкил қилди. Бунда рентабеллик даражаси 33 % га тенг бўлди.

III.2. Фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш билан боғлиқ капитал ва келтирилган харажатлар миқдорини аниқлаш

Массив худудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш билан боғлиқ лойиҳани амалга оширишда капитал ва йиллик харажатлар сарфланади. Капитал харажатларга ирригация ва мелиорация ва йўл тармоқларини қуриш, ихота дарахтларини барпо қилиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Йиллик харажатларга амортизация ажратмаси ва эксплуатация харажатлари киради.

Капитал харажатларни ҳисоблаш бўйича олинган натижалар 25-жадвалда келтирилган.

25-жадвал

Капитал харажатлар хажми

Т.р	Харажат турлари	Ўлчов бирлиги	миқдори	Ўлчов бирлиги қиймати минг сўм	Умумий қиймати минг сўм
1	Суғориш тармоқларини қайта таъмирлаш	км	12,5	1000	12500
2	Дала йўлларини қуриш	км	8,6	200	1720
3	Гидротехник иншоотларни қуриш				
	-қувурлар	дона	4	1500	6000
	-сув айирғич	дона	5	3000	15000
4	Мева ва узумларни қайта ишлаш цехини қуриш	дона	1	100000	100000
5	Йўл ва ариқлар бўйига				
7	Зовурларни тозалаш	км	8,0	1000	8000
8	Бошқа харажатлар				43000
	жами				186220

Йиллик ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$C_i = A + Э$$

Бу ерда: A - амортизация ажратмаси, $Э$ - эксплуатация харажатлари, $П$ - йиллик фойдасиз харажатлар.

Амортизация ажратмаси капитал харажатлардан 3 % ва эксплуатация харажатлари капитал харажатлардан 5 % миқдорида олинади.

Амортизация ажратмаси 5586,6 минг сўм, эксплуатация харажатлари 9311 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Йиллик харажатлар: $C_i = A + \Theta = 5586,6 + 9311 = 14897,6$ минг сўм

Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаганимиздан сўнг, келтирилган харажатларни аниқлаймиз. Келтирилган харажатлар қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$P_i = C_i + K_i \times E_n$$

Бу ерда: P_i - келтирилган харажатлар, C_i - йиллик ишлаб чиқариш харажатлари, K_i - капитал харажатлар, E_n - капитал харажатлар самарадорлиги коэффициенти. $E_n = 0,15$

$$P_i = 14897,6 + 186220 \times 0,15 = 42830,6 \text{ минг сўм}$$

Лойиҳа бўйича келтирилган харажатлар 42830,6 минг сўмни ташкил қилмоқда.

3.3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш

Соф даромад етиштирилган ялпи маҳсулот қиймати билан уни етиштириш учун сарфланадиган харажатлар айирмаси орқали қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$CД = ЯМҚ - X$$

Бу ерда: $ЯМҚ$ – ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм;

X - харажатлар (бу кўрсаткич технологик харажатлар ёрдамида аниқланади) бизнинг мисолимизда $ЯМҚ$ қийматидан 75 % олинган, минг сўм.

$$CД = 2171245 - 1628400 = 542845 \text{ минг сўм}$$

Ишлаб чиқариш самарадорлиги соф даромад қийматини уни ҳосил қилиш учун сарфланган харажатларга нисбати орқали фоизларда аниқланади.

$$P = CД \times 100 / X = 542845 \times 100 / 1628400 = 33,3 \%$$

Капитал харажатларнинг қопланиш муддати келажакда лойиҳани амалга ошириш учун тадбирларга сарфланиши кўзда тутилаётган капитал харажатлар миқдорини қўшимча олинаётган соф даромад қийматига бўлиш орқали аниқланади. Қўшимча соф даромад лойиҳавий соф даромаднинг ер тузиш йилидаги соф даромадни айирмаси билан топилади.

$$\Delta CД = CД_{\text{лойиҳа}} - CД_{\text{ер тузиш}} = 542845 - 304488,3 = 238356,7 \text{ минг сум}$$

$$T = K / \Delta CД$$

Бу ерда: T - капитал харажатларнинг қопланиш муддати, йил;

K - капитал харажатлар

$\Delta CД$ – соф даромаднинг ўсиши.

$$T = 186220 / 238356,7 = 1 \text{ йил}$$

Лойиҳа учун қилинган капитал харажатлар 1 йилда қопланади.

26-жадвал

Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	миқдори		Фарқи + -
			Ер тузиш йилида	Лойиҳа бўйича	

1	Ердан фойдаланиш коэффициенти	ЕФК	0,96	0,96	-
2	Фермер хўжаликлари умумий ер майдони	га	1557,86	1557,86	-
3	Қишлоқ хўжалик ерлари Шу жумладан: боғлар узумзорлар хайдалма ерлар	га	1495,07 92,03 0,1 1397,8	1495,07 92,03 0,1 1397,8	- - - -
4	Фермер хўжаликлари сони	дона	38	24	-14
5	Фермер хўжаликлари ўртача ер майдони	га	41	64,9	23,9
6	Ер турлари ва экинлар ҳосилдорлиги мева узум Пахта буғдой	ц/га ц/га ц/га ц/га	50 45 20 28	55 60 22 32	+5 +15 +2 +4
7	Ялпи маҳсулот қиймати Шу жумладан: деҳқончиликда чорвачиликда	минг сўм минг сўм минг сўм	1763020 1575170 187850	2171245 1958895 212350	+408225 +383725 +24500
8	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	1019373,7	1628400	+69500
9	Соф даромад	минг сўм	304488,3	542845	+235387
10	Рентабеллик даражаси	%	29,9	33,3	+3,4
11	Капитал харажатлар	минг сўм		186220	
12	Капитал харажатлар қопланиш муддати	йил		1	

3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш

Ернинг ишлаб чиқариш жараёнида сифати яхшиланиши ёки пасайиши мумкин, агар ундан нотўғри фойдаланилса, умуман фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиши ҳам мумкин. У хўжасизларча тақсимланишдан ва фойдаланишдан, бузилишдан, ифлосланишдан ва бошқа унинг ва у билан боғлиқ табиий ресурсларнинг сифатини ёмонлаштирадиган салбий таъсирлардан муҳофаза қилиниши керак. Барча ер фондлари, ер эгаликлари, ердан фойдаланишлар, участкалар ҳимоя қилиниши керак. Биринчи навбатда куйидагилар ҳимояланиши керак:

ерларнинг унумдорлиги ва қишлоқ хўжалигида маҳсулдорлиги;
қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўзига хос мақсадлар учун яроқли ерлар турлари;

участкаларнинг, ер турларининг, ер эгаликлари, ердан фойдаланишларнинг кенглик хусусиятлари (майдони ва шакллари) қисқаришдан, парчаланишдан, шакли ёмонлашишидан;

экологик мувозанат (ернинг бошқа табиий омиллар билан ўзаро таъсири).

Оқибати номаълум бўлган ва илмий асосланмаган ҳаракатларга йўл қўймаслик керак, сабаби бунда зарар миқдори жуда катта бўлиши мумкин.

Ер тузишни лойиҳалаш жараёнида ерни, атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш талаблари қуйидаги сабаблар бўйича бузилиши мумкин:

лойиҳачиларнинг нотўғри ечимлари;

барча зарур тадбирлар ҳисобга олинмаганда, лойиҳа таркибидаги хатоликлар;

лойиҳалашнинг илмий асосланган услубиятига, меъёрларига ва қоидаларига риоя қилинмаганда.

Ерни муҳофаза қилиш ҳар хил йўллар билан ва ҳар хил босқичларда - лойиҳа олди, лойиҳалаш ва бевосита фойдаланиш жараёнида амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай экологик тадбирлар ердан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни оқилона, илмий асосланган ташкил этишга асосланади. Шунинг учун хўжаликлараро ер тузиш нафақат ерни, балки бутун атроф муҳитни ҳам муҳофаза қилишнинг биринчи ва асосий элементи деб ҳисобланиши мумкин.

Ерларни муҳофаза қилиш - бу ерларни сақлашга, тиклашга ва ҳолатини яхшилашга; ер ресурсларидан нооқилона, асосланмаган фойдаланиш ва сарфлашларнинг, қишлоқ хўжалик ерларининг унумдорлиги пасайишининг ва майдони камайишининг олдини олишга қаратилган ташкилий-худудий, ташкилий-хўжалик, ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва бошқа тадбирлар тизимидир.

Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза этиш ер тузиш лойиҳасининг ёки чизмасининг барча таркибий қисмларига асосий вазифалардан бири сифатида киритилиши керак.

Хўжаликлараро ер тузиш чизмаларини ва лойиҳаларини ишлашда ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш бу вазифанинг мазмунига мос махсус ишлар билан амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

ердан фойдаланишларни ташкил этишда, яъни, уларни жойлаштиришда,

ўлчамларини, чегараларини, инфратизимларни ва ш.ў. ер ресурсларини ва атрофдаги табиий муҳитни ишончли муҳофаза қилишни таъминловчи белгилаш, барча талабларга ва шартларга риоя қилиш;

қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида ерларни ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар (ташкилий-худудий, ташкилий-хўжалик ва бошқ.) тизимини лойиҳалаш;

ҳимояланадиган ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар участкаларини, минтақаларини, полосаларини ҳудудларини ажратиш ва улар

ичида ва атрофдаги ерларда ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаш. Бу ҳаракатларга мустақил характердаги ер тузиш турларидан бири сифатида қараш мумкин.

Хўжаликлараро ер тузиш масалаларини ечишда, яъни, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини, уларнинг ички тузулишини, ер массивларининг жойлашишини, чегараларини, қишлоқларини белгилашда атроф муҳитга таъсир этадиган барча шароитлар ва омиллар ҳисобга олиниши керак. Лойиҳада қилинган тавсиялар қуйидагиларни таъминлаши керак:

- ерларнинг маҳсулдорлигини ва сифатини сақлашни;

- ҳар бир ердан фойдаланишни ўраб турган ҳудудда ер ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишни;

- ҳудудни, атмосферани ва сув манбааларини ишлаб чиқариш ва бошқа объектлар чиқиндилари билан ифлосланишдан ҳимоя қилишни;

- ерларни шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялашни;

- суғориладиган ва мелиорацияланган ерларни ҳимоялашни;

- ерларни шўрланишдан ва ш.ў. ҳимоялашни.

Ердан фойдаланишларни, уларнинг тизимларини лойиҳалашда кейинчалик ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича хўжаликларда ички чегараларни лойиҳалашни таъминловчи тадбирлар белгиланиши ва шароитлар яратилиши керак, шу жумладан:

- ердан тўла ва самарали фойдаланишни таъминловчи ердан фойдаланишларнинг оқилона ўлчамлари ва жойлашиши, улардаги ер турларининг нисбати;

- хўжаликлар чегараларини тупроқ эрозиясига ва бошқа салбий таъсирларга қарши кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш;

- суғориладиган ерларни самарали фойдаланишга имкон яратадиган, шўрланиш, эрозия ва бошқа салбий оқибатларга олиб келмайдиган қилиб жойлаштириш;

- хўжалик марказлари, чорвачилик фермалари ва саноат корхоналарини сув манбаларига, ҳосилдор ерларга ва муҳофаза қилинадиган ҳудудларга нисбатан уларнинг ифлосланишига йўл қўймайдиган қилиб жойлаштириш;

- хўжалик ҳудудида оқова сувлар оқизилиб суғориладиган маҳсус далаларни қишлоқлар ва чорвачилик фермаларидан чиқадиган оқова сувларни тозалаш мақсадида тўғри жойлаштириш;

- нафақат қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳудудида, балки улар атрофидаги ерларда ҳам экологик мувозанатни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш учун зарур шароитлар яратиш;

- ишлаб чиқариш манфаатлари учун экологик мувозанатни бузмасдан ерларни ўзлаштириш ва трансформациялаш;

- ҳудудни хўжаликлараро ташкил этишни экологик асослаш.

Хулоса

Бажарилган битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 октябрдаги 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги ва 2006 йил 9 январдаги ПФ - 3709-фармони, 2006 йил 11 январдаги ПК-255-сонли қарорлари асосида хўжаликлар тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилган эди. 2008 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Р–3077 сонли фармойишида фаолият юритаётган фермер хўжаликларини ер майдонларини инвентаризациядан аниқ ўтказиш, ер майдонларидан оқилона фойдаланишини таҳлил қилиш ва фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини танқидий таҳлил қилиш натижасида фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш вазифаси қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда фермер хўжаликларининг иш юритишни ташкил этилганлиги, техника ва техник воситалар билан таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатиб ўтилди. Мавзу юқоридаги фармон ва қарорлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бўлиб қоладиган ер майдонлари оптималлашган фермер хўжаликларини ташкил этиш масалаларига бағишланади.

Битирув малакавий ишида қўйилган мақсадга эришиш учун объект сифатида қабул қилинган Қоровулбозор туманидаги Жарқоқ массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари ўрганиб чиқилди ва мавжуд фермер хўжаликлари таҳлил қилинди. Қилинган таҳлил асосида массив ҳудудида мақбуллаштирилган фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича ҳудуднинг табиий иқлим шароитларини ва аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда 24 та фермер хўжаликлари лойиҳаланди.

Бу фермер хўжаликларидан 15 таси пахта-ғаллачиликка, 2 таси чорвачиликка, 2 таси сабзавотчиликка, 1 сабзавот боғдорчилик 4 таси эса, боғдорчиликка ихтисослашган. Мазкур фермер хўжаликларининг умумий ер майдони 1557,86 гектарни, ҳайдалма ерлар майдони 1397,84 гектарни ташкил этди. Фермер хўжаликлари ер майдонларининг ўртача ўлчами 64,91 гектарни ташкил қилади.

Лойиҳаланган фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулот миқдори ва уларнинг ялпи қиймати аниқланди. Лойиҳавий иқтисодий кўрсаткичларнинг амалдагилари билан таққосланиши натижасида ялпи маҳсулотнинг 408225 минг сўмга, соф даромаднинг 235387 минг сўмга, самарадорлик кўрсаткичининг 3,4 % га ошиши аниқланди. Лойиҳа бўйича режалаштирилаётган тадбирларга 186220 минг сўм капитал харажатлар сарфланиши 1 йилда қопланар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 1992
2. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
3. И.А.Каримов, “Ўзбекистон XXI бўсағасида”, Т. Ўзбекистон 1997
4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т. Ўзбекистон, 1998
5. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.:Ўзбекистон, 2009
6. И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2011
7. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т. Ўзбекистон, 1997
8. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т.:1998
10. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди,2004
11. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
12. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р, Ғофиров А.Ж. «Ер кадастри» Т.: ТИМИ, 2008.
13. Аvezбаев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари» Т Янги аср авлоди, 2002
14. Ер муносабатларини тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар туплами, 1-2 том, Т.:1997
15. М.Рустамбоев ва бошқ. “Ер ҳуқуқи”.Дарслик. Т.: Тошкент Юридик институти, 2002
16. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ўқув қўлланма. Т: 2007
17. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқулудда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.:Янги аср авлоди, 2005
18. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.:Меҳнат, 2000
19. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002
20. Землеустроительное проектирование – 2-е изд. (Учебник и учеб. Пособия для ВУЗов) www.ast.ru
21. Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ. www.prom.kz
22. Управления земельных ресурсов и землеустройства. www.18.rosfirm.ru
23. Управление мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования. www.kadastr.ru

24. Управление использованием земель сельскохозяйственного назначения в условиях. www.baseref.ru
25. www.Ziyonet.uz